# Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 234 (21.100) 1991 йил 4 декабрь чоршанба

Баҳоси 8 тийин.


*29 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни*

# ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

# БАРЧА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚСИН

## ХОРАЗМ ДИЁРИДА

Хоразм қадимдан донишмандлар, буюк алломалар, тажрибали миришкор деҳқонлар воҳаси. Бу ерда бирор кишига баҳо бериш зарур бўлганда унинг одамийлиги, бағри кенглиги ва амалий ишига қараб қадрлаб келишган. Республикамиз Президенти сайловлари арафасида ҳам хоразмликлар номзодларни худди шу жиҳатларга қараб баҳо беришади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод И. А. Каримов Хоразмга ташриф буюрди. У билан биринчи учрарув Урганч пиллакашлик ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтди. Президент жамоа ҳаёти билан чуқур танишди, ишчи ва хизматчилар билан суҳбатлашди.

Бозор иқтисодиёти шароити даврида вужудга келган ўткир муаммолар бу корхонани ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бироқ, бирлашма меҳнат аҳли ҳар қандай муаммо ва қийинчиликларни оғир шароитларда ҳам ижобий ҳал этишга ҳаракат қиляптилар. Энг муҳими бу ерда ҳар бир ишчи қаерда ва қандай касбда ишлаётганидан қатъий назар ижтимоий ҳимоя қилиняпти. Ҳозир бирлашмада ўртача иш ҳақи 500—600 сўмни ташкил этмоқда. Чет эллик ҳамкасблар билан алоқа ўрнатишда қўйилаётган дастлабки қадамлар ўзининг илк натижаларини бера бошлади. Ҳозир корхона жамғармаси ҳисобида 1,5 миллион доллар маблағ бор. И. А. Каримов бирлашманинг худди шу соҳадаги келгуси режалари билан қизиқди. Ишларнинг аниқ, маромида олиб борилаётганидан, мустақил иш юритиш услубидан мамнун бўлди.

Урганч шаҳридаги Оғаҳий номли Хоразм мусиқали театрида И. А. Каримов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Халқ демократик партияси Раисининг Президентликка номзодини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Сўзга чиққан нотиқлар сайлов куни И. А. Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Йиғилишда И. А. Каримов сўзга чиқди. У хоразмлик меҳнаткашларнинг фидокорона ишларига катта баҳо бериб, янгича шароитда муносиб иш юритишга ҳаракат қилаётганликларидан мамнун эканлигини айтди.

Хоразмдаги учрашувлар пайтида И. Каримовга республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Хоразм вилояти Кенгашининг раиси Р. М. Худойберганова, вилоят ижроия қўмитасининг раиси А. Искандаров ҳамроҳлик қилдилар.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИГА, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАРАКАТЛАРИГА, ИЖТИМОИЙ ЮШМАЛАРИГА

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида аҳиллик билан иштирок этишга келишувга

# ЧАҚИРИҚ

Саҳоватли ва жафокаш халқимиз саодати йўлида. Ўзбеклар диёрида тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин деб. Жумҳуриятимиз барча халқларининг ўзаро ҳурмат ва тотувлиги ошиб бориши учун. Ўзбекистоннинг мустаҳкам давлат ва иқтисодий мустақиллигига эришиш мақсадида. Халқаро ҳамжамиятда ёш давлатимизнинг обрўйини сақлаб бориш истагида. Ўзбекистондаги одамлар ва демократиянинг тақдири учун масъуллигимизни тушуниб, соф ниятда сиёсий партияларга, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва ижтимоий уюшмаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида аҳиллик билан иштирок этайлик, деб мурожаат қиляпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номи кўрсатилган ҳар бир номзод сайлов ҳаракатида қатнашувчи барча сиёсий ва ижтимоий кучларнинг инсоний ва фуқаролик ҳурматига лойиқ. Аждодларимизнинг ҳурмат борасидаги, айниқса одамлар орасида иззат-эътиборга сазовор бўлганларни эъзозлаш тўғрисидаги ўгитидан четга чиққан киши халққа панд берган бўлади.

Барчамизнинг ҳам ҳаёт юритишга ўз қарашларимиз ва воз кечиб бўлмас муқаддас тушунчаларимиз бор. Лекин Она, Ота, Ватан, Фарзандлар деган умумий муқаддас тушунчалар ҳам бор. Уларнинг осойишталиги ва бахтиёрлиги ҳақида ўйлаймиз. Она-Ватанимиз, жонажон Ўзбекистонимиз учун зарур бўлган мақсадлар йўлида бирлашайлик.

Ўз тарафдорларимизга мурожаат қилиб, сайловчиларимиз қўллаб-қувватлашларини истар эканмиз, ҳалол иш тутишга интиламиз. Ҳар бир воқеани, ҳар бир сўзни ҳаққат тарозусида ўлчасак, кулфатнинг олди олинади. Президент сайловида муваффақият ниҳоятда зарур. Биз шуни ҳам биламизки, халқнинг энг юксак ҳурмат-эҳтиромини қозонган киши бутун халқ ҳақида ғамхўрлик қиладиган. Сайловолди кураш халқимизнинг фарзандлари бўлмиш барчамизнинг орамизга асло нифоқ солмаслиги керак.

Орамизга келишмовчилик сояси тушгудек бўлса, буни халқимиз виждони кўтара олмаслигинг, унутмайлик, ана шунда барча сиёсий ва ижтимоий кучларнинг хилма-хил фикрларини чинакамига ҳурматлаб, тотувликка эришишимиз мумкин бўлади.

Бир-биримизнинг жумҳурият Конституцияси ва қонунларида қайд этилган ҳақ-ҳуқуқимизга путур етказмайлик. Тушунмовчиликларни ўзаро яхши қўшнилардек ҳал қила борайлик, чунки ниҳоятда улуғ, заковатли ва бой бўла туриб, бегона бўлган ҳеч бир кимса бизнинг дардларимизга даво бўла олмайди.

Халқимиз минг йиллик тарихининг азоб ва машаққат ичра ҳуқуқий жамият ва кўп партиялилик туғилаётган ҳозирги дақиқаларида, Ўзбекистон фуқаролари — эркак ва аёллар, ҳурматли қарияларимиз ва ғайрати жўш урриб турган ёшларимизга ёруғ юз билан қараб, ўз тарафдорларимизга, жумҳуриятимиздаги барча фуқаролар ва сиёсий, ижтимоий кучларга: ақли расо бўлайлик, деб илтижо қиламиз.

Азалий инсонпарвар ва бой маданиятимизнинг яшнаётган гуллардан халқ демократиясининг инсон учун, унинг оиласи учун тотли бўладиган меваси пишиб етилсин. Ушбу ажойиб мева халқнинг маънавий саломатлигини баркамол этиб, истеъдод ва тадбиркорликни барқ уриб ривожлантиради.

Азизлар! Оға-ини ва опа-сингиллар! Ўзбек биродарлар ва Ўзбекистонда яшайдиган барча халқлар! Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайловини мустақиллик сари, равнақ топувчи адолатли давлат сари дадил қадамга айлантириш борасидаги интилишимизни қўллаб-қувватланг ва мустаҳкамланг.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИ**

## 2500 КИШИЛИК УЙҒУР ИРОДАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ И. А. КАРИМОВга**

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Сизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятингизни замона талаблари даражасидаги илмий асосланган фаолият, деб баҳолаш керак. Чунки адолатли сиёсий тузум — меҳнаткаш халқ учун муносиб ва қулай бўлган ижтимоий муҳит яратиб беришдан иборатдир.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, илм-фан, техника, технология инқилобининг социал-иқтисодий оқибати жаҳон халқларининг тарихий тақдирида янги саҳифа очди. Эндиликда миллатлар миллатларсиз яшай олмайдиган замон барқарорлашмоқда. Моддий ва маънавий неъматларни яратиш ва истеъмол қилиш, миллийликни чуқурлаштириш орқали байналмилалликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда.

Шу муносабат билан жумҳуриятимизда ўз миллий-ҳудудий маъмуриятига эга бўлмаган миллатларнинг маданиятларини тиклаш йўлида, миллий маданий марказларнинг таркиб топиши ва уларни президентлик таассаруфига ўтказилиши миллий муносабатларни замон талаблари даражасида мустаҳкамлашнинг таъсирчан омили бўлди.

Биз Андижон вилояти Уйғур байналмилал маданият марказининг 2500 ортиқ якка, жамоа, оилавий тартибдаги аъзолари ҳамда уйғурлар кўп яшайдиган Пахтаобод ноҳияси қишлоқ шўроси ҳудудидаги 9300 сайловчи номидан сизни Президентликка номзодингизни қўллаб қувватламоқ учун 23 ноябрда Уйғур қишлоқ Кенгашига тўпланган 270 дан ортиқ сайловчилар вакиллари мажлиси бир овоздан сизни президентликка номзодингизни маъқулладилар ва барча сайловчиларни сиз учун овоз беришга чақирдилар.

Муҳтарам Президент! Уйғур миллати вакилларининг ишончини қабул қилғайсиз.

Биз уйғурлар ўзбеклар билан қон-қариндош, эгизак миллат сифатида, сизнинг миллий сиёсатингизни қўллаб-қувватлаймиз.

**Хасан-Охун МУСАЕВ,**
**Андижон вилояти Уйғур байналмилал маданият марказининг раиси.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Уйғур байналмилал маданият маркази 1992 йил учун «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна ишида фаол қатнашди. Марказ ташвиқоти билан 50 киши рўзномага обуна бўлди. Февраль ойида яна 150 нусха учун обуна тўпланади. Бундан ташқари рўзнома учун Уйғур байналмилал маданият марказидан ҳар йили 1000 сўм миқдорида маблағ ўтказиб туришга қарор қилинди.**

## ЁШЛАРНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИ

Тошкентда бир қанча йирик саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ёшлари намояндаларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Республика ёшларига, бутун жамоатчилигига мурожаат этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига И. А. Каримов номзоди кўрсатилишини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Демократик кучларини жипслаштириш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказиш, республиканинг суверенитетини мустаҳкамлаш, турмушнинг барча соҳаларида осойишта, ишчанлик вазиятини вужудга келтириш борасидаги хизматлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда сайловда И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлайдиган, унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий режаларини батафсил тушунтириб берадиган ташаббускор комитет сайланди. Шоир Азим Суюн ташаббускор комитетнинг раиси, доцент Е. В. Стативкин билан шоир Муҳаммад Юсуф унинг ўринбосарлари бўлдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИГА

# МУРОЖААТНОМА

Азиз тенгдошлар!

Республикамиз ҳудудида яшовчи халқларнинг тарихида биринчи марта 1991 йил 29 декабрь куни муқобиллик асосида умумхалқ овоз бериш йўли билан республика Президенти сайланади. Республиканинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала юзасидан референдум ҳам ўтказилади.

Ана шу чинакам тарихий воқеалар арафасида биз, Тошкент шаҳридаги бир қанча катта корхоналар, ташкилотлар ва олий ўқув юртларидаги ёш ишчилар, ижодкорлар ва талабалар сизларга мурожаат қилиб, ана шу сайлов ва референдумда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Бўлажак тарихий тадбирларнинг натижалари республикамиз аҳолисининг 40 фоиздан кўпроғини ташкил этадиган ёшларнинг фуқаролик мавқеига ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканлигини тушуниб етиш ҳар биримиз учун жуда муҳимдир.

Шу масъулиятли кунларда ҳар биримиз ўз йўлимизни — мустақил Ўзбекистон Республикаси ёш фуқаросига муносиб йўлни аниқ белгилаб олишимиз керак! Орамизда лоқайдлар, бепарволар бўлмаслиги керак! Бунинг сабаби фақат ёшлар жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимоя қилинган табақаси бўлиб, улар республика Президенти ва ҳукуматининг моддий ва маънавий мададига муҳтожлигида эмас.

Азиз дўстлар, ёшларнинг ҳозирги авлодининг, сиз билан бизнинг зиммамизга тарихий вазифа тушган — фақат жамиятимизни чуқур танглик ботқоғидан олиб чиқиш учун эмас, айни пайтда ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун ҳар куни энг оғир ишларни бажараётган кучларнинг олдинги сафларида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллашимиз шарт. Эски тоталитар тизим вайрон бўлиб, ижтимоий турмушнинг барча соҳалари янгиланаётган мураккаб даврда шундай қилишимиз керак.

Ёшлик — ҳаётнинг баҳоридир. Айни баҳор пайтида деҳқон ерга ўруғ сочади, келгусида шу ўруғ унибўсиб, ҳосил беради, халқимизда эса «Нима эксанг — шуни ўрасан!» деган доно нақл бор.

Келажакка ишонч билан қараш, янгиликни излаш, дадиллик билан ин олиб бориш, келажакни кўзлаш, ўз диёрига муҳаббат — ёшларимизнинг ана шу фазилатлари улар ўз тарихий вазифаларини сўзсиз уддалаб, Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнашини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишларининг ишонарли гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қандай ўтишига, республика тақдири ҳал этилаётган ҳозирги даврда энг муҳим давлат лавозимини ҳақли равишда ким эгаллашига ёшлар бефарқ қараб тура олмайдилар.

Бизнинг ишончимиз комилки, бу лавозимни Ислом Абдуғаниевич Каримов эгаллаши лозим.

Президентликка иккинчи номзод Муҳаммад Солиҳнинг қадр-қийматини варрача камситмаган ҳолда шуни айтамизки, И. А. Каримовнинг унга нисбатан шак-шубҳасиз устунликлари бор, у давлат фаолиятида бой тажрибага эга бўлибгина қолмасдан, чуқур билимга ҳам эга, умумий ва аниқ иқтисод соҳасидаги фикрлари кенг, республика турмушининг келгусидаги мураккаб даврида бу хусусиятлар жуда зарур бўлади. У республика манфаатларини, унинг мустақиллигини изчиллик билан қатъий ҳимоя қила олишини исботлаган, мамлакатимизда ва чет элда тан олинган нуфузли сиёсат ва давлат арбобидир. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий муҳит бошқа минтақалардагига нисбатан барқарор.

Бундай вазиятда асосий эътибор бизни бир-биримиздан фарқ қилувчи жиҳатларга эмас, балки бизни бирлаштирувчи жиҳатларга қаратилмоқда, шу сабабли сиёсий қарашлари, миллий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир инсон бу ерда хотиржам яшаши, ишлаши ва ўқиши мумкин.

Ўзбекистон халқларига эзгулик ва адолат тиловчи ҳар бир киши сайловда И. А. Каримов учун овоз берса хато қилмаслигига биз шубҳа қилмаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг халқи доно, адолатли, бошқа халқларга нисбатан дўстона муносабатда бўладиган меҳнатсевар ва эрксевар халқ. Бу халқ ва унинг ёшлари мана шу масъулиятли кунларда ҳозирги даврнинг жуда катта қийинчиликларини енгиб ўтишни, республикамизнинг яқин вақт ичида гуллаб-яшнашини таъминлашга қодир бўлган Президентни ҳокимият тепасига қўйиши — муносиб кишини сайлаб олиши керак.

Халқ И. А. Каримовни сайлашига ишончимиз комил ва республика ёшларини И. Каримов учун овоз беришга чақирамиз.

**Тошкент трактор заводи ва Урта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмалари, Урта Осиё Ирригация илмий-тадқиқот илмгоҳи, Тошкентдаги Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари, Автомобиль йўллари, Темир йўл транспорти муҳандислари, Маданият ва Ҳуқуқ илмгоҳлари, лак-бўёқ, экскаватор ва «Ўзбекхлопкомаш» заводлари ёшлари вакилларининг йиғилишида қабул қилинган.**

## ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва айрим фуқароларга шуни маълум қиладики, Республика давлат банки «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасида кўзда тутилган кўнгилли бадаллар учун саноат қурилиш банкининг Тошкент шаҳридаги меҳнат бўлимида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш марказий сайлов комиссияси»нинг 025700508 сонли жорий ҳисоб дафтарчасини очди.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муайян номзод фойдасини кўзлаб кўнгилли бадал ўтказиш қонунда кўзда тутилмаганини маълум қиламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси**

## НОМЗОД КЎРСАТИЛДИ

«Эрк» демократик партияси Шовот район бошланғич ташкилотининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари жумҳурият Президенти лавозимига сайлаш учун кўрсатилган Муҳаммад Солиҳ (С. Мадаминов) номзодини қўллаб-қувватладилар. 29 декабрь куни Муҳаммад Солиҳ учун овоз беришга қарор қилинди.

**(ЎзТАГ мухбири).**

## МАҲАЛЛА РАД ЭТДИ

Яқинда Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида «Бирлик» халқ ҳаракатининг раиси А. Пўлатов ўз тарафдорлари билан уюштирган Ўзбекистон Президентлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда олтмишга яқин киши қатнашди.

Ўзбекистон Президенти номзодлигига даъвогар А. Пўлатов шу ерда нутқ сўзлаб ўз режалари тўғрисида тўпланганларга гапириб берди. Ҳаракат раиси билан бирга келган М. Одилов, М. Иноқов ва «Бирлик» халқ ҳаракати ташаббускор гуруҳининг бошқа аъзолари ҳам сўзга чиқдилар. Бироқ йиғилиш қатнашчиларининг аксарият қисми ўз сўзларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов олиб бораётган сиёсат номзодликка даъвогар таклиф этган режалардан анча устун ва давр талабига тўла жавоб беради, деб айтдилар.

А. Пўлатовни Президентликка номзод сифатида кўрсатиш ҳақидаги масала йиғилишда овозга қўйилганда даъвогар атиги 16 овоз олди. Йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказиш Тошкент шаҳар округи комиссияси раисининг ўринбосари З. Юсуповнинг таъкидлашича, номзод кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун талаблари қўпол равишда бузилди.

**М. МАСХАРОВ.**

**Тошкент вилояти. Янгийўл пойабзал фабрикаси йил бошидан буён саводо тармоқларига 32 минг жуфт болалар пойабзалини тайёрлаб жўнатди. Маҳсулот хиллари бутунлай янгиланди. Бунга эса Минскдаги республика янги андозадаги Пойабзаллар уйи ходимлари билан ҳамкорлик ва замонавий техниканн жорий этиш туфайли эришилди.**

**Суратда: корхонанинг тикув цехида. Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.**

## ҚАЛАМКАШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис этилгандан бери бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Ана шу давр ичида у қандай ишларни амалга оширди? Олдда турган энг муҳим ва долзарб вазифалар нималардан иборат? Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов республика рўзномалари бир гуруҳ журналистлари билан бўлган учрашувда ана шулар ҳақида батафсил сўзлаб берди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низоми шу йил 15 ноябрида Адлия вазирлиги ҳайъати мажлисида рўйхатга олинди. Ўтган қисқа вақт ичида партия Марказий Кенгаши аппаратидан бошланғич ташкилотларгача бўлган барча бўғинлар тўла шаклланиб, улар ҳозир республиканинг ҳамма ҳудудларида самарали иш олиб бормоқдалар.

Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Пленуми Партия раиси И. А. Каримовни Ўзбекистон Президентлигига номзод қилиб кўрсатди. Шу кунларда партия ҳамма жойларда сайловга ва давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумга тайёргарлик ишларида фаол иштирок этмоқда.

Депутат бўлган Ўзбекистон ХДП аъзоларининг барча даражадаги халқ депутатлари кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳларига бирлаштирилганлиги ҳам партия ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳозир улар ХДПдан Президентликка кўрсатилган номзод позициясини, партиянинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги тўғрисидаги масалага доир Программ қоидаларни халққа тушунтиришда фаол иштирок этмоқдалар.

А. Х. Саидов журналистларга Ўзбекистон Президенти сайловлари ва республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумни ўтказишга тайёргарлик ишларини вақтли матбуотда кенг ёритиш зарурлигини айтди.

Мулоқотда Халқ демократик партияси Дастури асосида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, ёшлар билан иш олиб бориш, уларга оид сиёсатни амалга оширишда партиянинг фаолияти, партия ташкилотларидан ҳоли этилган жамоаларда ёшлар ўртасида тарбиявий ишларга таъсир ўтказишнинг ҳар қандай имконнятларидан самарали фойдаланиш ва бошқа кўпгина масалалар ҳақида ҳам ўзаро фикрлашилди, амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Мулоқотда шунингдек Сиёсий Ижроия қўмитаси аъзолари ва партия фаолларининг рўзнома ва ойномаларда партия ҳаётига доир масалалар қамраб олинган чуқур таҳлилий мақолалар билан қатнашиб туришларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар ҳам билдирилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудирлари ва масъул ходимлари иштирок этдилар.

**Р. ҚОДИРОВ.**

## 29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

# ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Т. МЕНГЛИЕВ,
СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИНИНГ РАИСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ

**Гапим Улуғ Навойнинг икки мисраснин хотирлашдан бошламоқчиман.**

**Шоир:**

**Навосиз улусинг наво бахши бўл,**
**Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл, — деб ёзганди.**

Шу мисраларни келтираётиб мен бирон кишининг шаънига бирон сунъий мақтов бахшида этмоқчи эмасман. Фақат республикамизда ўтказиладиган Президентлик сайлови ҳамда умумхалқ референдуми олдидан бир фуқаро ва табиий, бир раҳбар сифатида кўнглимдан кечган мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Мавзунинг ўзи Президентликка номзод И. А. Каримов тўғрисида гапиришни тақазо қилиб турибди. Бир вилоятда катта лавозимлардан бирини эгаллаб турган кишига икки йилдан буён Президент бўлиб ишлаб келаётган одамни мақтаб гапириш ҳам, эътирозлар билдириш ҳам сиртдан қараганда ўнғайсиз кўринади, албатта. Шу истиҳола билан мен ўз фикрларимга вилоятимиз фуқароларининг номзод фаолияти ҳақидаги таассуротлари ва хулосаларини асос қилиб олмоқчиман.

Гоҳо комсомол, гоҳо партия, вилоят касаба уюшмаси раиси ва ниҳоят ижроқўм раҳбари сифатида чорак асрдан буён халқ ичидамиз. Кўп йиллар биз пахтадан ўтиб яшадик. Пахта экиладиган жойдан томорқа бериш қайда, дейсиз. Одамлар ҳатто, томорқасига тушган чигитдан униб чиққан ғўзани суғуриб ташлай олмасди. Пахта экиладиган жойда завод қуриш, уй-жой, бирон саноат корхонасини қуриш мумкин эмас, деган гап ақидага айланиб қолганди. Бу ақидага шак келтирган одамга, айниқса, лавозимдор одамга куи йўқ эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 258-қарори, Республика Президентининг 1991 йил 11 январдаги Фармони бу ақиданинг томирига болта урди. Ер ўз эгасига бериладиган бўлди. Эътибор қилинг-а, Президентнинг аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ва томорқа ажратиш тўғрисидаги Фармонига қадар вилоятимизда томорқа учун банд бўлган ер жами суғориладиган майдоннинг олтидан бир қисми — 20 минг гектардан ошмасди. Кейинги икки йилда эса бу майдон қариб 40 минг гектарга кенгайди. Ер улашиш — ризқ-рўз улашиш дегани. Фаровонлик, меҳнатга мойиллик эзгулик улашиш дегани.

«Америкадан ўзиб кетиш»нинг Хрушчевча усулларидан юрак олдириб мол боқишдан, ҳатто қўпкари чопишга от боқишдан кўнглининг Фармонларини суиистеъмол қилувчилар билан, ундан ғаразли мақсадда фойдаланмоқчи бўлганлар билан муроса қилишга мойиллик билдирган эмас.

Ҳозирча биз Республика Президентининг 30 га яқин фармонини биламиз. Бу фармонларнинг бош мазмуни халққа ғамхўрликдир. Ҳар бир кишига ва биринчи навбатда фақир-ночор одамларга ғамхўрликдир. Бу ўринда мен ногиронларга, нафақахўрларга, кам таъминотли оилаларга, мактаб ўқувчиларига, ўқитувчиларга кўрсатилаётган моддий ёрдам миқдорини, ўтган икки йил давомида қанча газ ва қанча сув қувурлари монтаж қилинганлигини ёки одамларга қанча дон сотилганини рақамлар тили билан санаб муштарийларни зериктирмоқчи эмасман. Бироқ бир нарсани таъкидлаш ўринлидир: Президентимиз Фармонлари аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кенг миқёсда қамраб олиши билан ажралиб туради. Бу миқёс замирида нафақат моддий рағбат балки маънавий, миллий қадриятларимиз, одамларимиз тилининг учидаги дардлар акс этган бўлади. Бир мисол: яшириқдан не фойда, кейинги йилларда ҳарбий қисмлардан жойларга «Груз —200» деб номланувчи (солдат мурдаси жойланган) қутилар тез-тез жўнатиладиган бўлиб қолди. Ҳарбий қисмлардаги тартибсизликлар, «дедовщина—отахонлик»дек энг «замонавий» хурофотдан ота-оналарнинг юрак-бағри эзила бошлади.

Элнинг бу дардига Президентимиз диққат билан эътибор қилмоқда. Айниқса Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил октябрь ойидаги фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришнинг тартиби тўғрисидаги қароридан сўнг одамлар тўғриси, бирдан енгил нафас олгандай бўлдилар. Мен одамларнинг — оналар, момоларнинг оғзидан «отасига раҳмат элнинг ана шундай раҳбарига, минг йил яшасин, илойим» деган гапларини эшитдим. Бу энди оддий мақтов эмас. Бу чуқур ҳурмат-эътирофнинг, эҳтиромнинг ўзидир.

Халқ кўпинча гап раҳбарлар ҳақида борганда «улар хизмат машинасининг белидан тушмайди, лавозим курсисидан қўзғалмай ўтиришади», деган сўзларни айтишади. Бу эътирозларда асос борлигини рад қилиб бўлмайди. Лекин кўп раҳбарларнинг ҳам бир сирини айтай: уларнинг икки қулоғи халқнинг оғзида бўлади. Жойларда Президент Фармон бергани билан уни бошқалар бажармаса, бажаришни истамаса, фармон қуруқ ваъдага айланади, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Савдода камчилик кўп. Молларни яшириб сотиш, нархини ошириб сотиш ҳоллари бўляпти, деб ўзимга ҳам бир неча бор мурожаат қилганлар бўлди. Эл ичида шундай гаплар юрганда уни эшитмасликка олиш эса...

Аҳволни ўрганиш учун зудлик билан ишга киришилди ва бир нарса аниқланди: жуда кўп халқ истеъмоли моллари таъминоти бултурги таъминотдан кам эмас. Лекин пештахталар бўш ётибди. Бунинг устига магазин сотувчилари томонидан шусиз ҳам осмонга чиқариб қўйилган нарх-навони баттар баландлатиш ҳоллари илдиз отиб кетган. Талон системасини юритишда қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Назоратчи органлар эса, тўғриси, бу ишга томошагўйлик қилишган. Бир оддий ҳақиқатни эътироф этайлик. Ахир, бировнинг ҳақига хиёнат қилган одам, магазинга вақтида ун келтирмаган раҳбар ёки шаҳардаги иситиш ўчоғини вақтида ёқмаган киши билингки, Президентнинг Фармонларини писанд қилмаган бўлади. Бу ҳатти-ҳаракатларга жойлардаги раҳбариятнинг эътиборсизлиги ҳам худди шундай изоҳлаган майдонда давомида қанча газ ва қанча сув қувурлари монтаж қилинганлигини ёки одамларга қанча дон сотилганини рақамлар тили билан санаб муштарийларни зериктирмоқчи эмасман. Бироқ бир нарсани таъкидлаш ўринлидир: Президентимиз Фармонлари аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кенг миқёсда қамраб олиши билан ажралиб туради. Бу миқёс замирида нафақат моддий рағбат балки маънавий, миллий қадриятларимиз, одамларимиз тилининг учидаги дардлар акс этган бўлади. Бир мисол: яшириқдан не фойда, кейинги йилларда ҳарбий қисмлардан жойларга «Груз —200» деб номланувчи (солдат мурдаси жойланган) қутилар тез-тез жўнатиладиган бўлиб қолди. Ҳарбий қисмлардаги тартибсизликлар, «дедовщина—отахонлик»дек энг «замонавий» хурофотдан ота-оналарнинг юрак-бағри эзила бошлади.

Элнинг бу дардига Президентимиз диққат билан эътибор қилмоқда. Айниқса Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил октябрь ойидаги фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришнинг тартиби тўғрисидаги қароридан сўнг одамлар тўғриси, бирдан енгил нафас олгандай бўлдилар. Мен одамларнинг — оналар, момоларнинг оғзидан «отасига раҳмат элнинг ана шундай раҳбарига, минг йил яшасин, илойим» деган гапларини эшитдим. Бу энди оддий мақтов эмас. Бу чуқур ҳурмат-эътирофнинг, эҳтиромнинг ўзидир.

Халқ кўпинча гап раҳбарлар ҳақида борганда «улар хизмат машинасининг белидан тушмайди, лавозим курсисидан қўзғалмай ўтиришади», деган сўзларни айтишади. Бу эътирозларда асос борлигини рад қилиб бўлмайди. Лекин кўп раҳбарларнинг ҳам бир сирини айтай: уларнинг икки қулоғи халқнинг оғзида бўлади. Жойларда Президент Фармон бергани билан уни бошқалар бажармаса, бажаришни истамаса, фармон қуруқ ваъдага айланади, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Савдода камчилик кўп. Молларни яшириб сотиш, нархини ошириб сотиш ҳоллари бўляпти, деб ўзимга ҳам бир неча бор мурожаат қилганлар бўлди. Эл ичида шундай гаплар юрганда уни эшитмасликка олиш эса...

Аҳволни ўрганиш учун зудлик билан ишга киришилди ва бир нарса аниқланди: жуда кўп халқ истеъмоли моллари таъминоти бултурги таъминотдан кам эмас. Лекин пештахталар бўш ётибди. Бунинг устига магазин сотувчилари томонидан шусиз ҳам осмонга чиқариб қўйилган нарх-навони баттар баландлатиш ҳоллари илдиз отиб кетган. Талон системасини юритишда қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Назоратчи органлар эса, тўғриси, бу ишга томошагўйлик қилишган. Бир оддий ҳақиқатни эътироф этайлик. Ахир, бировнинг ҳақига хиёнат қилган одам, магазинга вақтида ун келтирмаган раҳбар ёки шаҳардаги иситиш ўчоғини вақтида ёқмаган киши билингки, Президентнинг Фармонларини писанд қилмаган бўлади. Бу ҳатти-ҳаракатларга жойлардаги раҳбариятнинг эътиборсизлиги ҳам худди шундай изоҳлаган эл Президентнинг совуган эл Президентнинг аҳолига ем-ҳашак, мол ва парранда сотиш ҳақидаги Фармонини қувониб кутиб олди. Жойларда бу фармонни бажариш бўйича шошма-шошарликка, кўр-кўроналикка йўл қўйиб бўлмасди. Чунки Фармонни рўкач қилиб олиб, жамоат чорвасининг баракасини учириб қўйиш мумкин эди. Бу фармон кам таъминотли оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Президентнинг бошқа Фармонларига уйғунлаштирилди. Молни кўп болали оилаларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига арзон баҳода сотишга эътибор берилди. Бугун молни хўжаликдан арзон нархда олиб, эртага уни бозорга чиқарувчиларга бефарқ қаралмади. Ва умуман вилоят ижроия қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари Президент-

**Сўзимни яна Алишер Навойнинг ўша «Навосиз улусинг наво бахши бўл» каломи билан якунлайман. Элимизнинг осойишталиги, дастурхонимизнинг тўйинлиги, одамларимизнинг меҳр-оқибатлилиги, хуллас улуснинг наволи турмуши — буларнинг кўпига Президентимизнинг Фармонлари боис. Йиғинлардаги, вақтли матбуотдаги айтган гаплари боис. Буни катта-кичик ҳамма кўриб билиб турибди. Шундай йўлчимиз омон бўлса эртанги кун яхши бўлишига, мустақил Республикада арзончилик, фаровонлик, адолат қарор топишига ишониб ўтирибди.**

**Элнинг назари — улкан дарё. Бу дарё ҳамиша ўзи ихтиёр қилган, ўзи мойил бўлган ўзандан оқади.**

## МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Шифохонамиз меҳнат жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фуқароларига мурожаатини зўр ҳаяжон ила ўқиб чиқишди. Ундаги ҳар бир сатр олам-олам мазмунга эга. Айниқса, маънавий бойлигимизни тиклаш, камол топтириш, ҳар бир фуқаро фаровонлиги, тинчлиги, осойишталиги ва тотувлигини таъминлаш йўлида бажариладиган юмушларимиз рўй-рост тилга олиб ўтилган.

Бизнинг шифохонамиз биносида Собир Раҳимов районидаги 63-сайлов участкаси жойлашган. Жумҳуриятимиз Президенти сайлови кунига пухта ҳозирлик кўраяпмиз. Тарғиботчиларимиз аҳолини Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоллари билан таништирмоқдалар. Сайловчиларнинг рўйхатини тузиб чиқишга алоҳида эътибор берилаётир. Сайлов кунида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ишларимиз кўзгусини намойиш этиш ниятимиз бор. Шифокорларимизнинг ҳар бири эл дардига малҳам бўлишдек олижаноб ишни баҳоли қудрат бажаришмоқда.

Сайлов куни якдиллик билан Ислом Каримов номзоди учун овоз берамиз. Уни Президентликка асосий номзод деб биламиз. И. Каримов амалга ошираётган ишлар, эл-юрт фаровонлигини кўзлаб чиқараётган фармонлари айни муддао бўлаётир.

Сайлов куни — бу якдиллик куни бўлиши керак. Шундай қилсак халқ хотиржамлиги, барқарор келажагимизнинг таъминланишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Гавҳар ИСЛОМОВА,**
**Тошкент шаҳар 9-шифохона бош врачи.**

• Мутахассис муаммо қўяди

## ТАЛАБ, ЭҲТИЁЖ КАТТА, БИРОҚ...

Ўн беш йилдирки, таълим даргоҳимиз миントақа маданият муассасалари учун ўрта бўғин кадрларини етказиб бермоқда. Жамоамизнинг фаолияти туфайли Бухоро, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари клуб ва кутубхоналарини ихтисосли ходимлар билан таъминлаш муаммоси ижобий ҳал этилди.

Давр техникум ўқитувчилари олдига мутлақо янги вазифаларни қўймоқда, ўтган йилларда йўл қўйилган хатоликлар жумҳуриятдаги барча тармоқ ўрта таълим ўқув юртлари учун ҳосдир.

Узоқ йиллар мобайнида жумҳуриятнинг миллий хусусиятлари инобатга олинмади. Ҳамма жойда бир хил маданият муассасалари ходимлари тайёрлаш давом эттирилди. Маҳаллий шароит ва имкониятлар билан ҳеч ким қизиқмади. Кўп йиллардан бўён биз халқ чолғу асбоблари оркестрлари раҳбарларини ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлаб келмоқдамиз. Деярли минг киши шундай ихтисосли диплом билан ўқув юртини битирди. Ваҳолонки, жумҳурият оммавий маданият муассасаларида бундай оркестрнинг ўзи йўқ. Чунки клубларда мусиқа асбоблари етишмайди. Биноларнинг ўзи клубга мослаштирилган.

Сирасини айтганда, миллий мусиқамиз асосан бир овозлик услубида узоқ асрлар мобайнида такомиллашиб келинган. Бунда, оркестрлар миллий маданиятимизга ўтизинчи йилларда сунъий равишда тиқиштирилди. Энди уни ривожлантириш учун эҳтиёж бормикан, деган савол туғилади. Масалан, бизнинг шароитимизда шу ихтисос бўйича техникумни битирган ёшлар мусиқа ўқитувчилари ёки клуб методисти бўлиб ишга жойлашишга мажбур.

Халқ чолғу асбоблари ансамблари ёки фольклор ансамбларига раҳбарлик қилиш учун эса уларга малака етишмайди. Ахир уларга амалдаги ўқув дастурининг фақат ўттиз фоизи ҳажмида миллий мусиқа ҳақида билим берилляпти, холос. Таълимнинг қолган етмиш фоизини Оврупа мусиқаси эгалламоқда.

Давр маданият муассасалари учун малакали ходимлар тайёрлаш ишига катта ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда. Биз вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида социологик тадқиқотлар ўтказиш натижасида бу соҳада талаб ва эҳтиёжни маълум даражада ўрганишга эришдик. Жойларда кўргазмали ташвиқот воситаларини миллий анъаналар асосида безаш учун ихтисосли кадрлар етишмаслиги яққол сезилмоқда. Барча меҳнат жамоаларида безовчи рассомлар хизматига эҳтиёж катта. Худди шундай тарзда фуқаро аҳли ҳам хонадонларни безатишда бундай касб эгаларига тобора кўп мурожаат этмоқда. Четдан келиб ишлаётган мутахассислар бунинг учун катта пул талаб қилишмоқда. Холбуки, бундан бир неча йил муқаддам биз шундай касбдаги мутахассисларни тайёрлар эдик. Аммо ўқув муддати белгиланганидан кам деган баҳона билан уни ёпиб қўйишди.

Шу тарзда техникумда фото, киноҳаваскорлик тўгаракларининг раҳбарлари ҳам тайёрланар эди. Жойларда бу ихтисос бўйича мутахассислар тайёрлаш тўхтатилганлиги хусусида эътирозлар билдирилмоқда. Дарвоқе, вилоятимиз марказида телевидение кўрсатувларини ташкил қилишга ҳозирлик кўришмоқда. Демак, бу марказ учун ҳам мутахассислар керак бўлади. Техникумимизда эса жумҳуриятда бу соҳада мутахассис тайёрлаш учун етарли моддий-техника базаси ва кадрларга эга бўлган ўқув юртидир.

Агар бизга ўқув муассасаси сифатида хўжалик мустақиллиги берилганда, биз биринчи навбатда ана шу икки ихтисос бўйича мутахассислар тайёрлашга дарҳол киришган бўлар эдик. Келгусида эса музейлар ва истироҳат боғларида меҳнаткашлар хизмат кўрсатишга лаёқатли кадрлар тайёрлаш тўғрисида ўйлаган бўлур эдик. Чунки вилоятимиз марказида бундай касб эгаларига талаб катта. Шунингдек, мисгарлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, кулолсозлик сингари вилоятда оммалашган халқ амалий санъати турлари — дорбозлик, қўғирчоқбозлик бўйича мураббийлар тайёрлаш бизнинг зиммамизда бўлиши керак деб ўйлайман.

**Ҳ. НУРУЛЛАЕВ,**
**Олим Ҳўжаев номидаги Бухоро маданият техникумининг директори, тарих фанлари номзоди.**



**Термез уйсозлик комбинати жамоаси йил бошидан буён 22 минг квадрат метр уй-жой тиклади. Бу — йиллик режада кўзда тутилганидан 2 минг квадрат метр ортиқ.**

**Корхона йиғма темир-бетон буюмлар, уй қисмлари тайёрлайди ва қурилиш ишларини ўз жамоаси кучи билан адо этади.**

**Суратда: лаборатория бошлиғи Баҳодир Орзиқулов (чапдан), қолипловчи Абдуҳаким Худойқулов, йирик панелли уйсозлик цехи бошлиғи Аҳмад Мадатов ва пайвандловчи Сергей Гладков.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.**

• МУҲАРРИРИЯТГА ХАТ •

# МЕРОС ЎРГАНИШ КАЛИТИ

Халқимизнинг маданий меросини ўрганиш асосий вазифалардан бирига айланиб қолди. Кейинги пайтда халқ таълимида ана шу ишларга алоҳида эътибор берила бошланди. Ўрта мактабларда одобнома, эски ўзбек ёзуви фанларининг ўтилиши маданий меросимизга бўлган эътиборнинг ортганлигидан далолат беради.

Хўш, шундай экан савол туғилади: Мактабларда ушбу фанларни ўзлаштириш қандай? Бу фанларни ўқита диган ўқитувчи кадрлар етарлими? Табиийки, бугунги кунда мутахассис кадрларга тақчиллик сезилляпти. Айрим ҳолларда эса мутахассис кадрларни жойжойига қўйилляпти, улардан ўз ўрнида самарали фойдаланиляпти, деб айта олмаймиз. Шу ўринда мен эски ўзбек ёзувини ўтиш хусусида туғилаётган муаммолар устида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Кадрлар хусусида фикрлар эканман бир воқеа бот-бот эсимга тушаверади.

Шу йил май ойида Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш илмгоҳининг санаторий-профилакторийсида даволанаётган эдим. Ҳамхонам Оҳангарон районидаги 39-мактабнинг меҳнат дарси ўқитувчиси Ҳ. Тошпўлатов билан халқ таълимининг бугунги аҳволи ҳақида ўзаро тез-тез фикрлашиб турардик.

Шундай мулоқотлар давомида у менга эски ўзбек ёзуви курсида таҳсил олгани ва янги ўқув йилидан бошлаб шу фандан ўқувчиларга билим бериш истаги борлигини тўлқинланиб гапирди.

У ҳар куни эски ўзбек ёзуви устида қунт билан машқ қилар, кичик-кичик матнларни эски ўзбек ёзувига ўтирарди. Мен Ҳайитматнинг қунт билан изланиши, ўз касбига меҳр қўйган устознинг машғулотини ҳавас билан кузатардим. Орадан кўп ўтмай ҳамхонам ишхонасига йўл олдию, нохуш кайфиятда қайтиб келди. Маълум бўлишича, мактаб директори унга янги ўқув йилидан бошлаб эски ўзбек ёзуви дарсини бермаслигини маълум қилибди.

Ваҳолонки, худди шу фанни махсус курсни тамомламаган бошқа ўқитувчига юклашибди. Мен бу ўринда директорни айбламоқчи эмасман. Масаланинг бошқа томони кўпроқ ташвишлантиради. Шундоқ ҳам жамиятимизда ечимини кутаётган муаммолар қалашиб ётибди. Халқ таълимида эса бу масала янада чигаллашиб, ildизи чуқурлашиб кетган.

Ҳозирги кунда иқтисодиёт инқирозга учраб, танг аҳволга тушдик деб ташвишланяпмиз. Лекин эртанги иқтисодиётни изга солиш учун бугунги мактаб партасида ўтирган ўқувчиларга чуқурроқ билим бериш зарур эмасми?

Бир неча йиллар давомида ўрта мактабларда «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» фани ўтиб келинди. Оқибатда бу фан ўзини оқламади. Чунки дарслик ва ўқув қўлланмалари халқимиз шарт-шароитидан келиб чиқиб тузилмаган эди. Натижада ёшлар орасида халқимизнинг азалий расм-русум, урф-одатларига, шарқона тарбияга паст назар билан қараш ҳоллари юзага келди. Бугунги кунда эса шу иллатлардан қутулишнинг чораси бой маданий меросимизни чуқур ўзлаштиришга бориб тақалади. Имконият йўқ жойларда имконият топинг деб бонг урамиз. Лекин бор имкониятлардан оқилона фойдалана билмасликни асло оқлай олмайман.

Шу ўринда халқимизнинг бой маданий меросини ўрганиш калити бўлмиш — эски ўзбек ёзувини ўрганишга бўлган талабни янада ортириш керак, деб ўйлайман. Кўп ҳолларда бу фанни ўтиш дарслари кам бўлган ўқитувчилар зиммасига юклаб қўйиляпти. Бу дарсни ўтаётган ўқитувчилар махсус билимга ва тайёргарликка эга эмас.

Республикамиз мустақилликка эришди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида мустақилликни барқарорлаштириш устида иш олиб бориляпти. Зотан, келгусида мустақил республиканинг келажагини бугунги ўқувчилар, малакали, билимдон, уддабурон кадрлар ҳал қилишини унутмаслик керак.

Модомики, республикамиз халқ таълими ҳам мустақиллик сари юз тутганини албатта, қўллаб-қувватлаш билан бирга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

**Т. МИРЗААҲМЕДОВ.**
**Оққўрғон районидаги 4-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

*Акс-садо*

## ҚАЛБИМ АМРИ, ВИЖДОНИМ ҲУКМИ

**«Ўзбекистон овози» рўзномасининг Бош муҳарририга!**

Ушбу қисқагина мактубим орқали баҳоят қимматли вақтингизни олганим учун каминайи ожиздан ранжимаслигингизни ўтинаман. Зеро, уни ёза олмай туролмадим...

Доно халқимизда «Гапнинг пўст калласи» деган ҳикматли ибора бор. Ана шу мақолдан келиб чиқиб, рўзномангизнинг ҳозирги йўналиши борасида гапнинг пўст калласини айтмоқчиман.

Мен ушбу рўзномага ёзилмас эдим, бунинг сабаби аён... Сўнги вақтларда рўзноманинг йўналиши мустақиллик касб этиб ўзгара бориши, дард билан ёзилган мақола ҳамда саҳифаларнинг сондан-сонга ортиб бориши кўзимни очди. Хусусан, яқин-яқинларда рўзнома саҳифаларидан жой олган буюк бобокалонимиз—соҳибқирон Амир Темур, ғазал мулкининг султони Алишер Навойга бағишланган саҳифалар, мақолалар, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Давлат сири», севимли шоир, талантли олим, моҳир таржимон Жамол Камолнинг «Қуёшдек равшан ҳақиқат» публицистик мақолалари ва, ниҳоят, ҳозиргина ўқиб чиққаним ўрис Евгений Березиковнинг «Баҳовуддин Нақшбандий» бадиаси каби бир қатор материаллар (уларни яна ва яна санаб ўтиш мумкин) жасорат, журъатлилик ва ҳатто қаҳрамонлик намунасидир.

Рўзнома ходимларининг ана шундай материалларни тайёрлаб, эълон қилишга киришганликларини, ҳақиқатан ҳам мардлик, жасорат деб билиб, улар олдида бош эгишни истар эдим.

Ва, ниҳоят, бебаҳо қадриятларимиз қадрига ета бошлаганликларингиз, буюк меросимизга меҳр қўяётганликларингиз, ўзбекнинг ўзбекона удумлари, одатлари, маросимлари, анъаналарига, бошқача айтганда, маънрифий, руҳий бойликларимизга алоҳида масъулият, зукколик, топқирлик, билимдонлик, уқувлилик билан ёндоша бошлаётганликларингизга кўз тегмасин, тикон кирмасин дегим келади.

Қалб амри, виждон ҳукми билан битилган миннатдорчилик изҳоримни тугатар эканман, яқинда рўзномага жон-жон деб ёзилганимни, буни дўст-биродарларимга даъват этганлигимни қистириб ўтмоқчиман.

Жасорат, дадиллик, шижоат, омад, фидоийлик бундан буён ҳам асосий шиорларингиз бўлиб қолаверсин, азиз биродарлар.

Камолу ҳурмат ва эҳтиром ила

**Малик МУРОДОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият олийгоҳининг кафедра мудири.**

## ХУШХАБАРЛАР

### МЕҲНАТ СУРУРИ

**Ульянов райони пахтакорлари бу йил давлатга 72 минг тонна «оқ олтин» ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар.**

Унумли меҳнатдан кейин ҳордиқ чиқаришга нима етсин. Шу боис, район «Дўстлик» марказий ўйингоҳида бошланган Ҳосил тўйи маroқли ва мазмунли бўлди.

Дилрабо куй ва қўшиқлар янгради. Спортнинг милляй турлари бўйича кураш, анъанавий қўчқор ва хўроз олишуви мусобақалари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Байрамнинг иккинчи куни ўтказилган кўпкари кечгача давом этди.

Қамаши райони меҳнаткашлари ҳам ҳосил тўйини ғоят хурсандчилик билан ўтказдилар. Табиат қийинчиликларига қарамай, колхоз ва совхозлар давлатга 36 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани 104 фоизга адо этдилар. Карл Маркс номли давлат хўжалиги дон тайёрлашда энг юқори кўрсаткичга эришди. Шу жиҳатдан пахтакорларнинг ҳам, ғаллакорларнинг ҳам юзи ёруғ, кайфияти чоғ. Нормурод Баротов номидаги марказий ўйингоҳ минбарларини тўлдириб ўтирган 10 минглаб кексаю ёш санъаткорларнинг чиқишлари, турли спорт беллашувларини қизиқиб томоша қилдилар.

Худди шундай Ҳосил тўйи Қарши районида ҳам бўлиб ўтди. Ҳосил тўйи шодиёналарида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси Темир Хидиров, Халқ демократик партияси вилоят ташкилоти кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов вилоят ижроия комитети раиси Т. Каримов ва бошқа фаоллар қатнашдилар.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

● РИШТОН (Фарғона вилояти) Район газлаштириш идораси оҳак ишлаб чиқариш цехини очди. Бу қўшимча корхона анчагина даромад келтириши кутилмоқда. Чунки оҳак тақчил маҳсулот бўлиб, якка тартибда уй қураётганларнинг кўпчилиги унга муҳтождир. Цех йилига 1200 тонна оҳак ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бужай қишлоғида очилган кулолчилик корхонаси газчилар оладиган фойданинг яна бир манбаи бўлади. Бу ерда Риштоннинг ўша энг машҳур лойидан косалар, пиёлалар ва бошқа сопол буюмлари тайёрланмоқда. Ёрдамчи корхоналар газчиларга ҳам фойдали бўлиб у бозорни тўлдиришга ёрдам бермоқда.

## ЎЗ ГУРУЧЛАРИДАН ПАЛОВ ДАМЛАШАДИ

**«Амударё» давлат хўжалиги аҳолиси энди ўзи етиштирган гуручдан палов дамлайди. Хўжаликда шоли етиштиришни ўзлаштириб олишди.**

**Баҳор фаслида 13 гектар ер ажратилиб шоли экилганди. Уни ижарачилар — Қаҳрамон Оллобердиев бошлиқ оилавий звено аъзолари парваришлашди. Лекин бу ишдан шубҳаланганлар кўп бўлди, шунга қарамай, синов муваффақиятли чиқди: деҳқонлар 30 тонна шоли олдилар, бинобарин таннархи жуда арзон тушди.**

**Уларга бу муваффақият қанот бағишлади. Келаси йили давлат хўжалигида 50 гектар ер шолига ажратилди. Ҳозирча далаларни ювишмоқда. Бундай қилинмаса, маҳаллий шароитда юқори ҳосил олишга умид қилиш мумкин эмас.**

(ЎзТАГ мухбири).

• Ёзувчи минбари

# ҒАФЛАТ УЙҚУСИ

Тоҳир МАЛИК

**БУ ҒАФЛАТ УЙҚУСИДАН, ЭЙ ЁРОНЛАР, УЙҒОНИБ БЎЛМАС.**

Бобораҳим МАШРАБ

## 1.

ИЛК асарларимни машқ қилиб юрган кезларимда келажакдаги, яъни юз, икки юз йил кейнги ўзбеклар туриш-турмуши ҳақида мунозарали фикрларга бандй бўлар эдим. Узоқ сайёраларга учувчи фазо кемаларининг байналмилал аъзолари орасида ўзбекни ҳам кўришни умид қилардим. Бугунги аниқ фан асосларига минг йиллар бурун пойдевор қўйган ўзбек наҳот келажакда олис юлдузларга парвоз этувчи фазо кемаларини бошқара олмаса?!

Масковдаги бир баҳс ёдимдан чиқмайди. Ҳамкасб дўстим, ўриснинг инсофли, билимли ёзувчси бўлган йигит билан суҳбатимиз мозий хусусида кечган эди. «Сизнинг (яъни, биз, ўзбекларнинг — Т.М.) ўтмишда буюкларингиз кўп эди. Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ал Фарғоний, Ибн Сино, Ал Форобий, Улуғбек, Али Қушчи... Дунё тараққиётини бу зотлар заковатисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Аммо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг сиз уйқуга берилдингиз, ҳануз уйғонганингиз йўқ...».

Бошқа миллат вакилидан бундай танбеҳ эшитгандан кўра, ер ёрилса-ю, ерга кириб кета қолсам! Аммо начора, у ҳақ гапни айтди. Тўғри, буюк зотлар ҳар йили туғилавермайди. Худо қайси халқни алқаса, унга аллома фарзандлар беради. Бироқ, худо «сендан ҳаракат, мендан баракат» деган. Биз ғафлат уйқусига берилиб худо берган неча-неча аллома фарзандларни юзага чиқармаган, уларнинг даҳоларини менсимай, тириклайин кўмган бўлсак-чи?!

Даставвал ўтмишга қора лой чапладик. Феодал тузумининг ичак-чавоғини ағдариб ташладик. Энди «етмиш йил»ни қорага бўяш билан оворамиз. Ўтган кунларни қарғаш билан ёруғликка чиқиш мумкинми? Балки, уйқудан уйғонишнинг тўғрироқ бошқа йўли бордир? Ўтмишни қоралаш — уйқусирашдан, алжишдан бошқа нарса эмас. Ёруғликка етиш учун ўриндан туриш керак, бет-қўлни ювиб, покиза-ланиб, сўнг остона ҳатлаб кўчага чиқиш керак. Чиққанда ҳам «кечаги кунимга минг лаънат» демай, «бугунги куним нурли, барокатли бўлсин» деган яхши ният, яхши ихлос билан қадам босилади. Менингча, ўтмишни қуруқ қарғаш ўрнига чуқур таҳлил қилмоқ лозим. Фақат ёмон ёки фақат яхши ўтмиш бўлмайди. Яхшими, ёмонми—кечаги кун бизники. Эрта ҳам бизники. Эртага яхшироқ яшаш учун кечаги кундан сабоқ олиш зарурроқ эмасми?

Бугун Ўзбекистонимиз мустақиллиги ҳақида сўз юритяпмиз. Сиёсий мустақиллик, иқтисодий мустақиллик деймиз. Бу — халқ дилидаги умидлар. Аммо, назаримда, бу муҳим масалага андак юзакироқ қараяпмиз. Қонун қабул қилган билан, депутатлар минбарда кўкракка уриб нутқ ирод этганлари билан, борингки, хориж кўмак бергани билан бу мустақилликка эришиб бўлмайди, халққа фаровонлик бериш ҳам қуруқ гапга айланади. Хорижликлар ажойиб корхоналар қуриб, хом ашё ўзимизда қайта ишланса ҳам мустақиллик йўли тўла очилмайди. Таъбир жоиз бўлса, мустақиллик — бир муаззам бино. Унинг пойдевори — иқтисодий мустақиллик, деворлари — сиёсий, томи эса, маънавий мустақиллик. Том мустаҳкам бўлмаса чакка ўтади, деворлар нурайди, пойдевор зах тортиб, иморат енгил зилзилага ҳам дош беролмай қолади.

Шу муаззам иморат пойдеворига ҳозир тош қўйилмоқчи. Мустақиллик саройини биз эмас, келажак авлод қуриб битиради. Неча йилда қуриб битиради, қай аҳволда қуради — чиройли, мустаҳкам бўладими бу бино ё деворлари қийшиқ, томлари тешикми — бу бизнинг бугун фарзандларимизга бўлган муносабатимизга боғлиқ.

Биз, ўзбеклар «болажон халқмиз», деб фахрланишни яхши кўрамиз. Серфарзандлик ҳали «болажон» деган гап эмас. Мен «болажон» деганда фарзандига беқиёс меҳр кўргазишни тушунаман. Ҳар бир инсон фарзандини суяди. Лекин яхши кўриш ҳам турлича. Фарзандини чинакамига суйган ота-она уни зарли либосларга ўрашни ўйламай, балки, ҳали покиза, булғанмаган болалик онгига дунёвий илмларни сингдиришни биринчи даражали вазифа деб билади. Энг сара либослар ҳам вақт ўтиб эскиради, титилади. Миянга жойланган илм эса умр бўйи асқотади, болани келажакда кимхоб чопонга ҳам ўрайди, олий мартабага ҳам эриштиради.

1945 йилда Япония урушда мағлуб бўлди. Икки шаҳари бутунлай вайрон этилди. Одатда мағлуб халқлар узоқ йиллар мобайнида қад кўтаролмайдилар. Япония урушда енгилди, бироқ қисқа муддатда қад ростлаб, ғолиб мамлакатларни иқтисодий, илмий кўтарилиш жиҳатидан сиқиб қўйди. Бу нима, худонинг мўъжизасими? Ростми, ёлғонми, билмайман: урушдан кейин бир одам Японияга фақат бир кун раҳбар бўлган экан. Эрталаб сайланганида у мамлакатдаги барча бойларни тўплаб «болаларни ўқитиш, яхши боқиш учун пул беринглар» дебди. Бойлар миллионлаб пул беришибди. Кечқурунги мажлисда у одам ишдан олинибди. Шунда бойлар «пулдан айрилдик» деб ташвишга тушганида собиқ раҳбар «Сизлар ачинмай турингилар, бугун яхши дарахт экдинглар, мевасини ўн йиллардан кейин териб ейсизлар» деган экан. Биз ҳавас қилаётган Япония бу даражага айнан болаларга кўрсатган меҳри туфайли эришган, десам, янглишмайман. Биз япон магнитофонларига, автомобилларига ишқибозмиз. Японияга бориб келганлардан нархнавони суриштирамиз, лекин «японлар болаларига қандай тарбия берар эканлар?» деб зинҳор сўрамаймиз. Янада аччиқ ҳақиқатни айтсам, у ёққа борган биродарларимиз бу масалага қизиқиб ҳам кўришмайди. Бу юртга бир неча йил муқаддам борган ёзувчи акаларимиз эса япон болаларининг «аччиқ қисматлари»дан ҳикоя қилдилар.Ажабки, болаларга шароит яратиб бермаган Япония гуллаб-яшнасаю «бахтли болалик учун партияга минг раҳмат!» деб қўшиқ куйловчи юрт тобора қашшоқлашса?! Бу тушунуксиз бир ҳол эмасми?

Сиз мазкур мақолани ўқиганингиздан сўнг хоҳ мени қарғанг, хоҳ нафратланинг, аммо мен ўзим учун ҳақиқат бўлиб туюлаётган гапни айтишга мажбурман: болаларимизга бўлган муносабатимиз яхши эмас. Биз бу муносабатни тубдан ўзгартирмас эканмиз, ҳеч қачон ёруғликка чиқолмаймиз. Катта мажлисларданги гаплар, қарорлар, декларациялар осмонда дириллаётган чиройли варракдек кўзни қувонтиришдан бошқа нарсага ярамай қоладн. Кичик давраларда шу фикрни айтсам, дўстларимдан бири «нимага ўзбекларни танқид қиларсиз, ўзбекмисиз ўзи?» деб танбеҳ берди. Шу пайтгача «ўзбекмиз!» деб фахрланиб, ўзимизни ўзимиз мақтаб келдик. Энди камчилигимизни ҳам бир-биримизга айтайлик, тузатишга киришайлик. Ўзбекнинг шуҳратини аллома боболаримиз оламга ёйдилар. Бизчи, ўзбекнинг шони-шуҳрати учун нима қилдик? Қозоқнинг буюк ёзувчиси Абайнинг насиҳатлар асари бор. Унда қозоқларнинг айби аямай айтилган. Абай халқим кўксига офтоб тегсин, деб бу насиҳатларни бағри куйиб ёзган. Абдулҳамид Чўлпон эса:

**Ҳасратим кўп, элга**
**айта олмайман.**
**Армоним кўп, дилга**
**жойлай олмайман,** —

деганда нимани назарда тутдилар экан?

Ғафлат уйқуси — тун белгиси. Буни савод дейдилар. Савод қоронғулик демак. Саводни, яъни қоронғуликни ёруғлик, яъни зиё қувиб чиқаради (Биз сўз маъносини англамай, «Саводхон бўламиз!» деб юриб, чиндан савод бағрига зулмат ва жаҳолат салтанатига сингиб бордик). Ҳарф таниш — ҳали зиё деган гап эмас. Биз — ёппасига ҳарф таниш берилдик. Ҳарф таниш — зиёнинг ибтидоси. Интиҳоси — илм эгаси, ориф бўлмоқлик. Аксар одамлар ибтидода тўхтайдилар. Улар газит ўқий олишса бас, карра жадвалини билишса бас. Улар англамайдиларки, бу билан инсон вужудидаги, дилидаги, онгидаги зулматни қувиб чиқариш мумкин эмас. Халқимизнинг жуда оз қисми ибтидо довонидан ўтиб интиҳо—зиё сари юради. Сизга қандай туюлади, билмадим, бироқ иттифоқ миқёсидаги академиклар орасида бир-икки миллионли арман ёки гуржи олимларининг кўплиги, йигирма миллионли ўзбекдан эса Иттифоқ академиясида битта ҳам йўқлиги мени руҳан эзади. Биламан, сиз бунга бошқа сабаб ахтарасиз. Ўзбек боласининг куни далада ўтади, дейсиз, ўзбек олимларини чиқиштиришмайди, дейсиз. Бу даъвода ҳам жон бордир. Аммо асосий сабаб бошқа, бунга кўпроқ ўзимий айблимиз.

## 2.

АСРИМИЗ аввалида Туркистон ўлкасида жадидлар яхши ният билан ҳаракат бошлаган эдилар. Улар халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш — болаларга билим бериш орқалигина амалга оширилиши мумкин, деб ишондилар. Жадидлар мактабларга ислоҳ кирита бордилар. Болаларни Оврупо мактабларига юборишга даъват этдилар. Бу ҳаракатни ўша дамларда аҳли дин орасидаги айрим жоҳил кимсалар англаб етмадилар. Чор ҳукумати, Бухоро амири уларни таъқиб остига олди, қувди, ўлдирди. Инқилобдан сўнг эса жадидлик буржуа ҳаракати сифатида бутунлай ботқоққа ботирилди. Қарангки, халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш фикри у томонга ҳам, бу томонга ҳам мақбул келмади. Шу зайлда маърифатпарварлар илдизи қурий бошлади. Ҳозир Ўзбекистонда муаллимлар кўп, педагогика номзодлари, дўктўрлари кўп, аммо Авлоний, Ҳамза сингари маърифатпарварлар йўқ даражада. Шу сабабли ҳам мактаб ислоҳоти номаълум йўналишда гангиб юрибди.

Биз нурли келажакка бориш учун аввало мактабларимиз қаддини кўтаришимиз зарур. Мактаблар биносининг хароблиги, замонавий техника, компьютерлардан бебаҳралиги алоҳида масала. Мустақилликни ўйлаётган юртнинг аввало мактаби мустақил бўлмоғи шарт. Ўқув қўлланмалари ўзиники бўлиши лозим. Муаллимлари мустақил фикрлай оладиган бўлмоғи зарур. Муаллим — фақат ҳарф ўргатувчи эмас, балки, болани фикрлашга ўргатувчи табаррук зот. Муаллим мустақил фикрлай олмаса, болада қандай қилиб бу хусуснятни тарбиялайди? Физика, кимё, алжабр... ўқув қўлланмалари Масковда, Киевда, Санкт-Петербургда ёзилади. Уни Иттифоқдаги барча бола ўқийди, Украинадаги мактаб билан Ўзбекистондаги мактабнинг фарқи йўқ. Ҳолбуки, ўзбекларнинг мактаби бошқалардан ажралиб туриши керак. Фалакиётни бизнинг фарзандларимиз кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишлари лозим. Хоразмий, Беруний, Румий, Улуғбек, Али Қушчи... каби улуғларимизнинг илмий меросларидан баҳраманд бўлишлари шарт. Ҳолбуки, украин ҳам, эстон, қозоқ... ҳам Коперник ва Галилейни сув қилиб ичади. Беруниийнинг глобус ясаганини, ўзбек алломалари Коперниқдан минг йил аввалроқ Ернинг тухум шаклида эканлигини айтганларини украин у ёқда турсин, ўзбек боласи ҳам билмайди. Ёки тарихда малика Тамарани, Богдан Хмельницкийни, Долгорукийни билишлари шарт. Петр I қачон туғилганини аниқ айтиб беролмаса баҳоси пастлайди, Темур Малик билан Амир Темур бир одам деса танбеҳ эшитмайди. Жуғрофиядан Бобурнома ёки Маҳмуд ибн Вали, тарихдан «Абдуллаҳонома», «Зафарнома», «Шайбонийнома», «Ҳумоюннома»..лар ўқитиш мумкинлиги маърифатпарварларимиз хаёлига ҳануз келмайди. Ҳозир янги ўқув қўлланмалари устида иш олиб бориляпти. Балки бу хатолар барҳам топар. Бироқ қўлланмани ўзгартириш билан олам гулистонга айлана қолмайди.

Энг олдин ўзбек мактабининг қиёфасини белгилаб олиш шарт. Бунинг учун яқин ўтмишдаги адашишларни эсламоқ жоиз. Яъни, биз эски мактабни бутқул рад этиб тўғри қилдикми? Эски мактабга ғўр қазнётганда улуғ алломаларимиз айнан шу эски усул мактабларида, шу эски мадрасаларда таҳсил олганларини нечун унутдик? Эски мактаблар хоразмийларни бериби экан, янги мактаб кимларни берди? Жадидлар, агар янглишмасам, илм беришнинг шарқона усули билан Оврупонинг маъқул усулини олиб чоғиштиришга уринишган эди. Биз ҳозир балки шу масалани ўйлаб кўрармиз. Эшитишимча, эски мактабда тутал айтиш дарси бўлган. Буни ҳозир «тез айтиш» деймиз. Бу дарсда бола тили «чархланган». Сўзларни аниқ талаффуз қилишга, нутқни ривожлантиришга, тез фикрлашга ўргатилган. Навоий, Фузулий, Бедил... махсус ўқитилган. Таҳсилнинг маълум босқичидан, айтайлик, ҳафтиякдан Чаҳор китобига ўтиш бола учун байрам бўлган. Бутун маҳалла аҳли «Фалончининг ўғли (ёки қизи) ҳафтиякдан ўтибди», деб совғалар берган. Бу билан бола янада яхши ўқишга рағбатлантирилган. Энди биз қўшнимиз фарзанди қандай ўқиши у ёқда турсин, нечанчи синфга бораётганини ҳам билмаймиз. Болаларимиз дарс тайёрлашда ёрдам сўраб мурожаат қилишмаса, уларнинг қайси фандан нимани ўқиётганини ҳам билмай ўтамиз. Тўғри, эски мактабнинг ярамас жиҳатлари ҳам бор. Ўша дамларда ҳам билимсиз, жоҳил мактабдорлар, муаллимлар бўлишган. Улар ўзларининг айбини ёпиш учун турли усуллар, ҳикоятлар ўйлаб топиб худонинг номи билан боғлашган. Мисол учун нон ёпишга уқуви йўқ отинойи айбини эридан яшириш учун куйган нонларни толибларга мажбур қилиб егизар экан. «Бу куйган нонлар худонинг юзини кўрган», деб фатво берар экан. Бунга ўхшаш ҳоллар эски мактабнинг яхши томонларидан буткул юз ўгиришга асос бермайди. Эски мактабни кўрган кекса олимларимиз, ёзувчиларимиз, муаллимларимиз яхши томонлар ҳақида фикр юритсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Мен қадимнинг яхши одатларидан бири — ўғил ва қиз болаларни алоҳида-алоҳида ўқитишни тиклашни истар эдим. Эллигничи йилларнинг бошларида ҳам шу усул ҳукмрон эди. Ўзбекистонда эрлар мактаби, қизлар мактаби мавжуд эди. Кимнингдир истаги билан бу яхши усул барҳам топди. Айниқса, юқори синфларда бирга ўқиш фақат салбий натижа беради. Болаларнинг фикрлари дарсда эмас, бир-бирларида бўлади. Буни зинҳор диний ақидага боғламаган ҳолда инсон табиатидан келиб чиқиб таҳлил этиш керак. Болаларнинг овози раста бўлганидан бошлаб, хаёли бузилади. Ёнгинасида гўзал қиз (ёки қиз ёнида хушрўй ўспирин) ўтирса, каллага логарифмлар кирармиди? Жисмоний тарбия дарслари-чи? Номи жисмоний ТАРБИЯ, аслида фикрни бузишга хизмат қиладиган номаъқул дарс. Ўзбек қизларига ҳусн бермайдиган бир қилиқ. (Агар бу гапим малол келса, марҳамат, шундай дарсларни зимдан қузатинг). Ҳуллас, ўғил ва қиз болаларни алоҳида-алоҳида ўқитиш болаларнинг илм олишларида фақат ижобий самара бериши аниқ.

## 3.

ИЛМНИ болага илмли одам бера олади. Хўш, муаллимларимиз илми, савияси, фикрлаш қобилияти қай даражада? Ҳар ҳолда бир хил эмас. Назаримда, паст савияли муаллимлар кўпроққа ўхшайди. Улар болаларга яхши билим беролмаганлари етмаганидек, илғор фикрли муаллимларни чалишади, уларнинг эркин юришларига ҳалақит беришади. Нон ёпишни билмайдиган отин ойи каби, айбини беркитишга харакат қилувчи муаллимлар ҳозир йўқ дейсизми? Мен аниқ фанлар муаллимларига баҳо бера олмайман. Бироқ, тарих, она тили, адабиёт муаллимлари орасида билимсизларини кўп учратганман. Мени даҳшатга солгучи нарса шуки, бу муаллимларда илм билан бирга рағбат, ғайрат ҳам йўқ. Мақола билан шеърнинг фарқига бормайдиган адабиёт муаллимлари йиллар мобайнида фарзандларимизга дарс бериб тирикчилик ўтказадилар. Бир мисол айтай: шу йил аввалида халқ таълими вазирлиги ҳайрли иш қилди. Жумҳуриятдаги адабиёт муаллимларини пойтахтга чорлаб, таниқли навоийшунос олимлар иштирокида илмий анжуман ўтказди. Олимлар дарсликлардан ўрин олмаган Навоий ҳаёти ва ижодига оид муҳим мавзуларда маърузалар бошлашди. Иккинчи маърузадан сўнг узоқ йўл босиб келган муаллимлар аста-аста чиқиб кетавердилар. Бу қилиқлари билан улар, аввало, маданиятсиз эканликларини намойиш этдилар. Бу ҳолни фақат олимларга, ҳазратга эмас, балки ўз касбларига нисбатан бўлган беҳурматлик деб баҳо бериш мумкин. Қиссадан ҳисса шуки, барча муаллимлар йирик олимлар, ёзувчилар, жамоатчилик иштирокида синовдан ўтишлари шарт. Муаллимлар зиммасидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этайлик, ахир келажагимиз тақдири кўп ҳолларда уларга боғлиқ-ку? Келажакни кимларга ишониш мумкин, кимларга ишониш мумкин эмас, билиб олишимиз шарт эмасми?

Мактаб, айтганимиздек, жиддий ислоҳларга муҳтож экан. Олий ўқув даргоҳлари-чи? У ерда аҳвол қандай? Мен бу ерда ҳам некбин руҳ уйғота олувчи ҳол кўрмайман. Олий билим бериши лозим бўлган қутлуғ даргоҳлардан кимлар қай даражада мутахассис бўлиб чиқяпти? Пора билан ўқишга киритиш, пора билан имтиҳонлар топшириш аслида сир эмас, бироқ, биз буни сезмагандай юрамиз. Мен айнан шу нуқтада миллат фожиасини кўраман. Биз норози бўлаётган мактабда оз бўлса-да, илмли болалар етишиб чиқади. Лекин уларнинг янада оз қисми олий ўқув даргоҳларидаги тўсиқларни енгиб ўта оладими? Шунинг учун ҳам бугун бизда «олий маълумотлилар» кўп, аммо дунё билан сўзлаша олгучи олий даражали иқтисодчилар, ҳуқуқчилар, муҳандислар... кам, жуда кам. Шунинг учун ҳам бутун мамлакат жар ёқасига келиб қолди.

## 4.

Ҳар бир ота-она (жумладан ўзим ҳам) фарзандининг олий даргоҳларда илм олишини истайди. Катта мансаблар, марҳаматлар эгаси бўлишни орзу қилади. Бу худбин орзулар ҳеч қачон улуғ орзу — юрт равнақи эвазига яшамаслиги зарур. Биз буни англамаган, ўйламаган ҳолда халқ келажагини ўз нафсимиз йўлида қурбон қиляпмиз. Мен бу сатрларни ўқиган одамларда ватанпарварлик ҳисси уйғонди, илмсиз фарзандини пора эвазига ўқишга киритиш фикридан қайтади, деёлмайман. Энди минг оҳ урайлик, фойдасиз. Яра мадда боғлаган. Нафс аждаҳосининг боши мингта, бирини кессангиз иккинчиси билан ўт пуркайверади. Бизни хатардан фақат ислоҳ қутқаради.

Ҳамонки 20—30 минг сўм тўлаб ўқишга киритишга қурбимиз етар экан, олий ўқишхоналарни пуллик қилайлик. Ўртада турадиган даллол, имтиҳон оладиган домла қидириб овора бўлиб юрмай истаган ўқишхонага бориб пул тўлайлик. Тамом, вассалом! Пул бир одамнинг чўнтагига тушмай, ўқишхоналар аҳволини яхшилашга хизмат қилсин. Мактабда дуруст илм олган ,илмга рағбати бор болалар эса, имтиҳон билан ўтсин, давлат уларни бепул ўқитсин.

Балки ислоҳнинг бошқа маъқул йўллари бордир. Буни жамоатчилик кенгашиб ҳал этар. Ҳар ҳолда ҳозирги аҳволга бошқа чидаш мумкин эмас. Илмсиз бола беш йил пулга ўқиб ёки домлалар хизматини қилиб «олий маълумотли мутахассис» бўлади. Баҳоларини қарасангиз «уч» дан юқорисини кўрмайсиз. Илм даражаси уч баҳога лойиқ «олий маълумотли мутахассис» қандай қилиб юқори малакали ишчига ақл ўргатсин? Бундай мутахассис соя-салқинда кунини кўриб юраверади. Ишлаб чиқаришда техниканинг ўсмаслиги, алмисоқдан қолган машиналарга қаноат қилишимиз ўшандай «мутахассислар»нинг илмсизлиги туфайлидир. Одатда булар саводсизликларини яшириш учун кўп гапирадилар, мажлисларда ваъзхонликлар қиладилар, амалга интиладилар. Ҳатто катта мансабларга эришадилар ҳам. Мансабдорда илм бўлса ,у техникани тараққий эттиришни ўйлайди. Биз тилга олган уч баҳога арзирарзимас «мутахассислар» эса илғор техниканинг нима эканини билишармикин?

Жарроҳ ёки дўхтир янглишса бир ёки бир неча одам жабр кўради. Бу хато учун улар жазоланадилар. Илмсиз мутахассислар чиқишига йўл очиб берган олий ўқув даргоҳларининг айрим домлалари келажагимиз кўксига ханжар санчишаётганини билишармикин? Уларнинг бу гуноҳлари қандай жазога лойиқ экан? Пора олаётиб қўлга тушгани бир неча йилга қамалар. Пихини ёрганлар-чи. Ахир уларни худо урмаса, бандасининг қўли калталик қилар дейманов...

Мактабнинг ҳам, олий ўқув даргоҳларининг ҳам аҳволини яхшилаш учун кўп маблағ керак. Айниқса, мактабларнинг аҳволи ночор, замон талабларига мутлақо жавоб бермайди. Физика фанининг бугунги даражаси билан мактабдаги физика хонаси ва у ерда ўтилаётган дарс савиясини таққосласангиз хўрлигингиз келади. Мактабни шу ночорлик ботқоғидан тортиб чиқаришга давлат ажратаётган маблағ етарли эмас. Ҳозирги аҳволни кўриб, билиб турибмиз, давлатни айблаш ҳам ноўрин. Аммо, яхши кунлар келиб қолади, деб кутиб туролмаймиз. Мен бу ишга болалар жамғармаси (вақфи) деган ташкилотни жалб этишни истар эдим. Бу вақф асосий эътиборни болалар уйларига, етимхоналарга қаратади. Етимларга меҳрибонлик қилиш улуғ савоб. Бироқ, бу етимлар кимлар, буни ҳам ўйлаб кўрайлик. Биз етим деяётган болаларнинг ота-оналари ҳаёт. Улар — нафс бандалари. Хўш, нафс бандалари ялло қилиб юриб, жамият етимлар бошини силаши керакми? Назаримда, фарзандидан воз кечган ота-она боласи 18 ёшга етгунча жарима тўлаб туриши шарт. Етимхоналар шу жарималар ҳисобига кун кўриши мумкин. Ундан ташқари жарима тўлашини билган одам нафсини сал тийса ҳам керак? Шу билан балки етимлар сонининг кундан-кун ўсиши пасаяр? Бундан ташқари мен етимхоналарни диний идоралар оталиғига топширишни таклиф қилардим. Биринчидан, етимхонадаги болалар қалбида алам бор. Улар шу алам билан улғайишади. Иккинчидан, саккизинчи синфни тугатгач, бу болалар ора йўлда қолишади. Улғайган етимда на уй бор, на яқин одами, на бир ҳомий. Дин идоралари — масжидлар, бутхоналар, синегоглар етимларни бағрига олса, аввало улар дилини аламдан фориғ қиладилар, диний илм ўргатадилар, оқибатда, улғайишгач, уй-жой билан таъминлашлари ҳам мумкин.

Шу йўсинда болалар жамғармаси тўлалигича мактаб равнақига ишлатилиши мумкин ва бунинг ижобий самара бериши тайин.

МАКТАБ, келажак ҳақида сўз юритганда дин масалаларини четлаб ўтиб бўлмайди. Мактаб ва дин муаммоларини бугунги кунда диққат марказидан қочириш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шўро мактаби дин билан келиша олмайди, деган эски ашулани айтиб юриб берк кўчага кириб қолмадикми, таълим ва тарбияда қоқилмадикми? Қаранг, мактаб ва дин ёнма-ён яшаса-ю, келиша олмаса? Тўғри, давлат, хусусан, мактаб диндан ажратилган. Лекин бу мактаб боласи даҳрий бўлиши шарт, деган гап эмас. Айни чоқда Оллоҳга сиғинган бола илм олиши мумкин эмас, деган ақидага ҳам ўрин йўқ. Ислом дини ҳеч маҳал илм олишни инкор этмаган. Оллоҳнинг каломларида ҳам, пайғамбаримизнинг ҳадисларида ҳам илм олишга ундаш мавжудлиги маълум. Дунё илмининг равнақи кўп жиҳатлардан ислом дини билан ҳам боғлиқ. Бағдодда ташкил этилган Байтул Ҳикма — фанлар академиясини эслайлик. Улуғ алломаларимизни ёдга олайлик. Агар ислом дини илмга қарши десак, бу алломалар тақдирини нима бўлиши аниқ-ку? Аммо биз буни билмаганга олиб, дин илмга қарши деган гапни исбот қилишга уринib, бунга Улуғбек ўлимини мисолга келтиравердик. Ҳолбуки, Улуғбекнинг ўлдирилишига диннинг, айниқса, Хўжа Аҳрорнинг мутлақо алоқасизлиги тарихдан маълум. Тўғри, қадимги асрларда насронийлар илм аҳлини таъқиб этганлар. Буни инквизиция деймиз. Бу дин номидан иш кўрган жоҳиллар иши эди. Биз дин билан дин номидан иш кўрувчи айрим жоҳилларни фарқлашимиз керак. Чунки бу жоҳиллар ҳозир ҳам учраб туради. Уларни пеш қилиб, динга қарши курашиш бизни ҳам жаҳолат жарига бошлайди. Ҳозир динга эркинликлар берилиши муносабати билан тушунмовчиликлар юзага келяпти. Касалликнинг келиши осон, кетиши қийин, деган нақл бор. Агар ҳар маҳаллага ўнтадан масжид қуриб берилса ҳам барча исломга қайта қолмайди. Бунинг учун фурсат керак.

## 5.

Сўнгги пайтларда масжидларда имомларимиз мактабга, ҳатто айрим ўқитувчиларга нисбатан қаттиқ гаплар айтаяптилар. Бунга болаларнинг шикоятлари сабаб бўляпти. Баъзи мактабларда баъзи ўқитувчилар ўғил болалар дўппи кийиб, қизлар рўмол ўраб келсалар дарсдан чиқариб юборар эканлар. Ҳатто Тошкентдаги бир мактабда соқол қўйган ўқитувчини дарсга қўйишмаган. Жума ёки тарових намозига борган болалар ҳам қаттиқ танбеҳ эшитар экан. Масжид имомларидан кўмак сўраб ёзилган, ўнлаб имзолар қўйилган хатларни ўзим ҳам ўқидим. Мактабларда бўлдим, муаллимлар билан суҳбатлашдим. Улар болалар намоз баҳонасида дарсдан қочяптилар, илм олишга рағбатлари сусайиб кетяпти, деб нолидилар. Мен халқ таълими вазирлигидаги раҳбар ўртоқлар билан ҳам суҳбат қурдим. Улар ҳам айнан шу ташвишдалар. Аммо дўппи, рўмол ҳақида буйруқ бўлмаганини ҳам айтишди. Демак, бу ташаббус кичик раҳбарлардан чиққан. Бир неча йил бурун Наврўзни диний байрам деб тақиқлашгани ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Худди шунга ўхшаб айрим кичик раҳбарлар дўппи, рўмолни динга боғлашлари бемаъни бир ҳол. Арабистондаги ёки Покистондаги мусулмонлар дўппи кийишмайди. Дўппи—миллий кийим. Кремлдаги мажлисларда ҳам дўппи кийиб ўтиришади. Сталин даврида ҳам, ҳозир ҳам биров «дўппингни ечиб ўтир» демаган. Соқол ҳам мусулмонлик белгиси эмас. Бошқа дин вакиллари ҳам соқол қўйишади. Кремлдаги олий мажлисларда иштирок этувчи муфтийга биров соқолингни олдириб кел, демагандир? Ҳуллас, калтабинлик оқибатида юзага келаётган кескинликнинг олдини олишимиз керак. Мактаб ва дин, мактаб ва ота-она муносабатига адоват уруғи сепилишига йўл қўймаслигимиз шарт. Ҳозир мактабда масжидга борма, деб буюрилгани билан бола қулоқ солмайди. Кўнглида ибодат қилиш истаги туғилса бораверади. Мен бир нарсага ҳайронман, муаллимлар болани «нима учун видеосалонга бординг!» деб уришмайдилар. Бола кўнглига ёмонлик уруғи қаерда сепилади — масжиддами ё видеосалонлардами?

Шахсан менга бу масалада бир иш нотўғри бўлиб туюляпти. Болаларнинг норозиликлари, муаллимларга қарши гаплар катта издиҳомларда, болалар иштирокида айтиляпти. Бу билан бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиляпти. Жума намозидан аввал имом муаллимлар шаънига қаттиқ гаплар айтганларидан сўнг болалар ўқитувчиларини менсимай кўйишади-ку? Баъзан адашаётган бўлишса-да, болаларимизга илм ўргатаётган муаллимларимизни бу даражада беҳурмат қилмаслик керак. Бунинг ўрнига имом ҳазратлари мактабларга борсалар, ёнларида беш-ўн оқсоқол, ота-она бўлса, ўша муаллиму директорлар темирдан эмасдир, тушунар, хатосини англар?

Юқорида муаллимларнинг ташвишини айтдим. Айрим давраларда «шўро мактабига борманглар» деган гапларнинг айланиб қолиши мени ҳам ташвишга соляпти. Ҳозир маориф ислоҳ йўлида. Янги йўллар, усуллар изланяпти. Лекин аввал ислоҳ ниҳоясига етсин, кейин болаларни ўқитамиз деёлмаймиз-ку! Ҳозир — масжид аҳли билан мактаб аҳли бирлашадиган вақт. Агар улар ҳамжиҳат иш олиб боришса, келишмовчиликлар юз бермайди. Истаган бола дин илмини ўргансин, аммо дунёвий илмлардан узоқлашмасин. Қорилик қилиб тирикчилик ўтказаман, деган хато тушунча миясига ўрнашмасин. Рамазон кунлари Саудия Арабистонидан келган Солмон қори исмли йигит кўпни ҳайратга солдилар. Солмон қори ўн бир ёшларида қори бўлган эканлар, ҳозир дорилфунунда математика бўлимида ўқирканлар. Мен шу жанобнинг барчага ўрнак бўлишларини истардим. Ислом динини мукаммал билган фозиллар, арбоблар, имомлар илм олиш аҳамиятини яхши билганлар. Мен болаларга ислом илмидан сабоқ бераётган кўпгина закийларни биламан. Улар боланинг мактабдаги ўқишларидан доимо хабардор бўладилар. Дунёвий илмлардан чекинишларига йўл қўймайдилар. Шу ўринда маҳалланинг ҳам вазифасини таъкидлаб, Тошкентдаги «Қизил шарқ» маҳалласининг яхши бир ишини айтиб ўтай. Бу маҳалла Яссавий номидаги мактаб билан келишиб, ҳам дунёвий, ҳам исломий илмни яхши ўрганаётган болалар учун стипендия жорий этибди. Менингча, бу қувватлашга арзирли ташаббус.

Сиртдан қаралса, мулоҳазаларим балки майда гаплардир, Лекин жиддий касалликлар арзимас шамоллашдан бошлангани каби бу майда гаплар кейин жиддий муаммога айланиб қолиши мумкинлигини назардан четда қолдирмайлик. Бир дунёда, бир осмон остида яшаяпмиз. Бир тилда сўзлашамиз. Бир-биримизни тушунишга, англашга, ақл билан иш юритишга ҳаракат қилмасак, бир ёқадан бош чиқармасак, Бобораҳим Машраб айтган куйга тушиб қолишимиз тайин.

# Эшитмадим деманглар

## ҲАМЛАКАТДА

### ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

СССР Олий Кенгаши Республикалар Кенгашининг Раиси Анварбек Олимжонов Кремлда журналистлар билан учрашди. Суҳбатда мамлакатдаги ҳозирги кундаги ҳаётий масалалар тилга олинди.

Раиснинг фикрича энди федерация тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, бу конфедерация бўлади, албатта. Лекин вақти келиб унга собиқ иттифоқдош республикаларнинг қолганлари ҳам шу жумладан, Украина ҳам қўшилади. Раис ана шунга умид билдирди.

Палата Раиси тарқалиб кетаётган Иттифоқда ҳозирги Олий Кенгаш керак эмас, деб матбуотда айтилган фикрларни шарҳлади. У бунга жавобан шундай жавоб қайтарди: парламент «бутунлай фаолият кўрсатишга қодир ва у республикалараро муносабатларнинг тузилмасига айланмоқдаки, ўтиш даврини бундай тузилмасиз тасаввур қилиб бўлмайди».

### УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛАНДИ

Украина Президенти сайлови ва мустақиллик тўғрисидаги референдуми кунида расмий хорижий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги имкониятлар очилишига омил бағишлайди, деган умид билдирилди.

Украина мустақил давлат бўлди. Овоз беришда қатнашганларнинг, 90 фоизи Украинада мустақиллик эълон қилиш тўғрисидаги ҳужжатни қўллаб-қувватлаган. Л. Кравчук эса президент бўлди. Унга сайловчиларнинг 60 фоизга яқини овоз берган.

### ҚАСАМЁД ҚИЛИНДИ

Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси бўлди. Сессияда 24 ноябрь куни муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайлови натижасида президентлик лавозимига сайланган республика президенти Раҳмон Набиев қасамёд қилдирилди.

Президент парламент аъзолари ҳузурида қисқача нутқ сўзлади. Республикани тез орада сиёсий ва иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, вазиятни барқарорлаштиришга доир ўз фикрларини баён этди. У шунингдек, Иттифоқ шартномаси тезроқ имзоланиши муҳимлигини таъкидлади.

### НАЗАРБОЕВ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

Нурсултон Назарбоев Қозоғистоннинг умумхалқ овоз бериш йўли билан би

• *Унвон муборак!*

# «ҲАЛҚ ОЛДИДА БУРЧЛИМИЗ»

Бугун Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театри ижодий жамоасининг қувончи чексиз... Душанба куни театрда иш куни эмасди. Бу хушхабарни улар оқшомда телевидение ва радио тўлқинларидан эшитишди. Кўпчилиги шу заҳоти қадрдон ҳамкасбининг уйига қўнғироқ қилиб, уни юксак унвон билан чин дилдан муборакбод этди. Бугун эрталаб, барвақт туриб гул дўконига шошилишди. Мана, ҳамзачилар хурсанд ҳолда гул кўтаришиб азиз иш жойларига дўстлари, сақнадошлари Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедовни табриклагани келишяпти. Жамоани бир факт айниқса мамнун этди: Мукофотлар, унвонлар беришдаги одатий бир ҳол бу гал четлаб ўтилди, яъни «актёрнинг олтмиш ёшга тўлиши» ёки «театрнинг... йиллиги муносабати билан» деган қоидалар кутиб ўтирилмасдан, совет театр ва кино санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун уларнинг сақнадош дўстига СССР халқ артисти деган юксак унвон берилди.

Юксак унвонга мушарраф бўлган севимли актёримиз жамоадошлари, дўстлари «қурғ...ови»дан сал бўшагач, биз у киши билан қисқагина суҳбатлашдик.

**— Ёқуб ака, сизни — чинакам сақна санъати мухлисларининг азиз актёрини, элимизнинг эъзозли фарзандини юксак унвон билан қутлаймиз.**

— Минг бора ташаккур. Яна бир бор «Халқ артисти» деб эътироф этилган эканман, умримнинг сўнгги дамларигача унинг хизматида бўлиб қолишни ўзимнинг муқаддас бурчим, ҳаётим мазмуни деб биламан.

**— Ўзингиз учун қутлуғ бўлган шу дамларда ҳаёлингиздан биринчи навбатда нималар кечяпти? Агар сир бўлмаса...**

— Нега сир бўлар экан. Энг аввало мени шундай катта мукофотга, унвонга тавсия этган республикамиз раҳбарияти эътибор-ғамхўрлигидан миннатдорчилигимни баралла овоз билан айтишим керак.

Марҳум устозларим руҳи олдида, ёнма-ён ишлаётган муаллимларим ҳузурида таъзим қилишга бурчлиман. Агар Маннон Уйғур, Етим Бобожоновлар асос солган театр мактаблари, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхоновларнинг маҳорат дорилфунунлари бўлмаса, бошқа дўстларим қатори мен ҳам ижодий ўсолмасдим! Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Саъдихон Табибуллаев, Ғани Аъзамов, Зикир Муҳаммаджонов сингари атоқли санъаткорлар билан ҳамнафасу ҳамқадам бўлганлигим, уларнинг кўмагидан истаган вақтда фойдаланиб турганлигим туфайли ҳам шундай ижодий мавқега эришдим. Ўзимга билдирилаётган барча табрикни театрдошларим билан баҳам кўряпман. Чунки, менинг ижодий жиҳатдан шаклланишим ва ўсувимда жонажон жамоамнинг ҳиссаси катта.

**— Сиз Алишер Навоий ролининг моҳир ижрочиси сифатида ҳам эътибор қозондингиз. Ҳазратнинг руҳи қўлладими, бу юксак унвонга Алишер Навоий йилида мушарраф бўлдингиз... Бу унутилмас ҳолдир.**

— Фикрингизга қўшиламан, лекин яна бир нарсани унутмайман: жонажон Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини эълон қилган тарихий кунларда, айёмларда шундай эътирофга муяссар бўлдим. Ҳур республикамизнинг бугуни ва эртасини акс эттирган, қолаверса, унинг албатта ечимини топадиган муаммоларини дадил кўтариб чиққан асарларда роль ижро этиб, бошқалар қатори ўзимнинг фарзандлик бурчимни адо этсам, бугун берилган бу унвон менга янада қимматли татийди.

**— Ҳозир қандай спектакларга тайёргарлик кўряпсизлар?**

— Яқин орада соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳикоя қилувчи спектакль устида иш бошламоқчимиз. Роль ҳозирча маълум эмас. Кинода режиссёр Али Ҳамроевнинг янги фильмида суратга тушяпман...

Биз ўз навбатида Ёқуб Аҳмедов ишлаётган театрнинг бутун жамоасини, қолаверса республикамиз сақна санъатининг барча вакилларини бу қувончли воқеа билан чин кўнгилдан қутлаймиз.

**Ю. БЕРДИЕВ.**

*Катталарга болалар ҳақида*

## ФАРЗАНД ДЕБ

Маҳаллада Гулнора деган аёлнинг хунук иш қилиб кетгани ҳаммани ранжитди. Иккиуч киши тўпландими, дарров ўша исми чиройли аёл тўғрисида гап кетади:

— Кенг уйнинг келини эди-я! Ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз бир болакай, холос. Шу бола билан ҳам муроса қилиб яшай олмади-я у жувон қурмагур...

— Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан-да, беш бармоқ бир хил эмас, ахир.

— Қурвон холани танийсиз-а? — гап қотади бошқаси. — Эргаш узун хотини қазо қилиб, етти фарзанд билан қолди. Ўзи ҳали ёш бўлмасам, шу элликнинг ён-верида-да. «Ҳўй узун, кел уйлантириб қўяйлик» десак, биласизми нима деганини? «Шунча бола билан мени ким бошига уради, зап гапирасан-да» деб, сўзимизга ҳеч унамаган. Қурвон хола билан гаплашсам, «Ҳа майли, бел оғритмай бир йўла етти болалик бўларканман-да, деб рози бўлди. Мана беш йилдан буён ўша болаларни оқ ювиб, оқ тарайди денг...

— Неъматчи? Хотини қазо қилиб, тўртта бола билан қолганди, бир кўзи, бир қўли йўқ... Шунга хотин чиқди-ю... кина болалар ота-оналарига жўр бўлгандек чирилдашар, тўполон қилишар эди.

— Жим бўл, ҳўй, Зебо йиғлоқининг қизи! — деди ўтирганлардан бири овозини борича қўйиб гапириб, қулаётган телпак сочли қизга.

Қиз бироз жим бўлиб, яна ўзини тутолмай кулди. Унга яна бир ўғил бола қўшилди.

— Лобархон опа, эркатойларинг чирмандачи билан темирчининг уйида туғилганми дейман?!

Шийпонда қаҳ-қаҳа кўтарилди...

Бирдан кулги тўхтаб, шийпон жим бўлиб қолди. Жамоа орасида ўтирган фаол аёллардан бири чеккадаги шийпон устунига ажабланиб қаради. Бошқаларнинг нигоҳи ҳам ўша ёққа қадалди. Устунда бир тутам исириқ илиғлиқ турарди.

— Хотирангизда бўлса уруш вақтлари бизнинг Холдевонбек районидаги шу Ленин номидаги жамоа хўжалигининг учинчи бригадаси шийпонида бор-йўғи учта чақалоқ боқилар эди, — деди сукутни бузиб боғча мудираси. — Оҳ, ўшанда у чақалоқлар ойдан тушгандек арзанда эдилар. Биларингиз, эрлари урушга кетган, қора хат олган аёллар уларни қўлларига олиб, бағриларига босиб бизга ҳам атагани бормикан, дея йиғлашар эди... Нима деяпгандим. Ҳа, энди-чи қанчаям...

— Ўттиз битта болангиз бор, — гап қўшди боғча опа, унинг «қанчаям» деганидан кулиб.

— Шунга, ҳалиги, шуларни ёмон кўздан асрасин деб, урушнинг номи ўчсин деб...

Ҳамманинг чеҳрасига ним табассум ёйилди...

## ХАТ

Маъсуда мактабга келмади. Эртаси эса онаси билан бошлашиб кириб келди.

— Келинг, опа келинг, ўтиринг, — дейман онанинг чеҳрасига синчковлик билан қараб. У «Раҳмат» дея шошилмай стулга ўтирди. Кўзимиз кўзимизга тушди — авзойи бузуқ эди. Она қўлидаги рўзнома орасидан конверт олиб, уни индамай олдимга суриб қўйди. Конверт очиқ эди.

— Хўш, нима қилай? — дедим мен унга савол билан

— Ўқинг, ўртоқ муаллим, тарбиячи! Қандай тарбия бераётганингизни ойнада кўргандек кўрасиз яна бир карра...

Хат ўтган йили мактабимизни битириб, ҳарбий хизматга кетган Маҳкамдан кўнгил қўйган қизи Маъсудага экан. Мен уни эгасига Маъсудага узатдим ва ишора билан хонадан чиқиб кетишини буюрдим. Она ҳайрон бўлиб, қизига ер тагидан разм солди. Жаҳлини аранг босиб тургани шундоқ сезилиб турарди.

— Нега ўқимадингиз? — деди у менга қараб.

— Бировнинг хатини ўқийманми? Ҳаққим йўқ...

Шу пайт эшикни очиб, рухсат сўраб, Маъсуда кириб келди. Нимагадир, менга маъноли бир қараб, онасига конверт узатди.

Чор-атрофдагиларга хат мактабга келар эди. Она уни қўлига оларкан, очиқ хатни кўриб танбеҳ берди:

— Нега очдинг?...

— Кечиринг, ойи, билмасдан... ўқиганим йўқ. Ёзувини кўрдиму қайта солиб қўйдим, — деди Маъсуда хижолат чекиб.

Она ўрнидан турди, ўйчан эшик томон юрди...

## ҚАТТИҚ УРМАНГ

Етти ёшли қиз нимадандир чўчиб, югурганича қўшниникига кирди. Қўшни эшиги тарақлаб кетди. Рўпарасида нима ғап ўзи, деб ажабланиб турган қўшни холани кўрди-да, қизалоқ ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ие, катта қиз ҳам йиғлайдими, нима, бошинг оғрияптими? — деди у қўшни қизни эркалаб юпатар экан.

Қиз кўзини ишқалаб, йиғидан тўхтади ва лабларини чўчайтириб, гапира кетди:

— Хола, ойим урдилар, ойим... ёмон урдилар, мана бетимни ушланг-а, йиртилиб кетибдими? — у опоқисига юзини тутди ва гапида давом этди. — Бир уришиб беринг ойимни.

— Сени урган ойингни қойиш озлик қилади, болам деди-да «хола» сурпада турган ўқлоғини қўлига олди. — Уни мана шу билан ураман, майлими?

Қиз йиғидан тўхтаб, холанинг қўлидаги ўқлоғига тикилиб қаради: у узун, йўғон эди. Шу ўқлоғи ҳозир унинг юзига келиб тушадигандек, кафтлари билан юзини тўсди.

— Қаттиқ урманг бўлмасам, секин уринг, хўпми?!

Хола ўқлоғини жойига қўйиб, қизни қучоқлади...

**Усмонжон ОХУНЖОНОВ,**
**халқ маорифи аълочиси**

## СПОРТ

### ИККИ ҒОЛИБ

● БРЯНСК шаҳрида дзюдо кураши бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган бу беллашувларда иқтидорли курашчилар камол топаётгани кўзга ташланди. Муросасиз беллашувларда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси полвонлари ҳам бўш келишмади. Жумладан, тошкентлик Одил Хушвақтов 71 килограмм вазнли курашчилар қатори куч синашиб ғалаба қозонди. Унинг ҳамшаҳри Армен Богдасаров ҳам олтин медалли бўлди.

### ХОТИРА СОВРИНИ

Тошкентда курашнинг классик турларидан ҳисобланган грек-рим усулида беллашувчи полвонлар ўртасида қизиқарли мусобақа ўтказилди. Анъанавий мусобақада бу сафар 27 шаҳардан 217 курашчи тўпланди. Полвонлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-майор Собир Раҳимов хотира соврини учун 17-марта куч синашдилар. Республикаларо турнир тахлитида ўтказилувчи бу мусобақада саралаш беллашувларини муваффақиятли ўтказган тошкентлик Искандарбек Ҳамроев, Руслан Биктяков, Фурқат Исаевлар совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда.

### ЎРИНБОСАРЛАР МАВҚЕИ

Олий лига футбол жамоаларининг ўринбосарлари мавсум мобайнида астойдил ўйнашга ҳаракат қилишди. Маълумки, ўринбосарлар асосий жамоанинг имкониятлари қанчалик эканлигини белгилашга имкон беради. Мавсум охирида асосий жамоалардан ЦСКА, «Спартак» (М), «Торпедо» футболчилари совринли ўринларни эгаллашган эди. Ўринбосарлар мавқеи эса бошқачароқ бўлди. Пешқадамлар қуйидаги тартибда ўрин олишди: «Днепр», «Динамо» (Мн), «Спартак» (М), «Торпедо» (М), ЦСКА. Пахтакорчилар асосий жамоасининг ўн тўртинчи ўринни олиш билан мавсумни якунлагани ҳаммага маълум. Ўринбосарлар жамоаси эса 10-ўринни олди. Собиқ СССРнинг энг яхши 33 ўйинчиси ҳам аниқланди. Пахтакорчи Андрей Пятницкий марказий ярим ҳимоячилар сафида учинчи бўлди.

• *Муштарий минбари*

### Қишлоқ тегирмонида

● **Сирдарё вилоятининг Ховос районидаги «Ховос» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Баландчақир қишлоғида фойдаланишга топширилган тегирмон кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда.**

Мустақил республикада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни уддабуронлик, даромадгирлик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Илгари ҳамқишлоқлар магазинга ун келишини кутиб ўтиришарди. Энди бунга унчалик эҳтиёж қолмади. Раимжон Турдиқулов бошчилигида бошланган хайрли иш ниҳоясига етди. Электр тегирмони ҳамиша одамлар билан гавжумлашиб қолди. Тегирмончи Шодмонқул Маъмурбоевнинг қўли-қўлига тегмаяпти. Тегирмонда «Ховос» ҳамда Темирязев номли давлат хўжаликларининг аҳолисига сотилган буғдой ўз вақтида тортиб берилмоқда.

**Т. ОСТОНАҚУЛОВ.**

### Табиат шайдолари

⊙ **Шофёрлар ҳам янгиликни илғайдиган, гўзалликни қалбдан ҳис этадиган кишилар гуруҳига киради. Андижон шаҳридаги 2511-автопарк корхонасига кирган киши бунинг гувоҳи бўлади.**

Корхона ҳудудининг каттагина қисмида ўзига хос табиат бурчаги барпо қилинган. Сим-тўрлар билан ўралган бежиримгина майдонда сайроқи қушлар ва табиатнинг гўзал паррандалари жамланган. Бу ерда қирғовул, товус, каптар, япон товуғи ва какликлар меҳр билан парвариш қилинмоқда. Жонли бурчакка қараб туриш, қушларни парвариш қилиш табиат шайдоларидан Нуриддин Умаров билан корхона боғбони Комилжон Акбардадаевлар зиммасига юклатилган. Қушларнинг дон-сувларидан хабардор бўлиб, яхши парваришланаётгани оқибатида шофёрларнинг ўзига хос нафосатдан баҳра олишга иштиёқлари ортиб бормоқда.

**М. БОЛТАБОЕВ,**
**С. ҲАЙДАРОВ.**

### Иш ҳақи оширилди

● **Ҳазорасп районидаги «Туямўйинигидрострой» қурилиш-монтаж трестига қарашли корхона ишчи-хизматчиларнинг иҳтимоий шароитларини яхшилашга эътибор қилинмоқда.**

Ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақларига белгиланган 60 сўмлик товон пулини 81 сўмга етказиб, бериб келинди. Кўп ўтмай бу миқдор 100 сўмга етказилди. Яқинда эса трестга қарашли жамоаларнинг ишчи-хизматчиларга бериладиган маошлари яна 60 фоизга оширилди. Бу билан ўртача иш ҳақи 279 сўмдан кўтарилиб, 480 сўмни ташкил этмоқда. Ҳозир кейинги уч ойдан бери ишчи-хизматчилардан 5 минг нафарининг ойлиги 480 — 500 сўмни ташкил этиб турибди.

**К. ОЛЛАҚУЛИЕВ,**

### Адиб хотираси

⊙ **Тожик ва ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Садриддин Айний хотирасига бағишлаб мармар-лавҳа ўрнатилди.**

Маълумки, иқтидорли адиб Бухоро вилоятининг Ғиждувон районида таваллуд топган. У шароит-тақозоси билан 1915-1916 йилларда Қизилтепа шаҳрида яшаб, ишлаган. Ўша йилларда бу ерда, россиялик саноатчининг Қизилтепа шаҳридаги пахта заводида ёзувчи тарозибонлик қилган. Шу муносабат билан ҳозирги Қизилтепа районидаги пахта тозалаш заводида адиб хотирасига бағишланган мармар ёдгорлик лавҳаси ўрнатилиб, унга қуйидаги сўзлар ёзилди: «Тожик ва ўзбек адабиётининг йирик вакили С. Айний 1915-1916 йилларда Қизилтепа пахта заводида ишлаган». Бу хайрли иш халқимизнинг буюк адибга ҳурмат-эътиборининг яна бир белгисидир.

**М. МАНСУРОВ.**

Раққоса қувончи... С. ВЕЛИЧКИН олган сурат. (ЎзТАГ)

• Ойноманинг янги сонларида

## «МУЛОҚОТ»

Ойноманинг ноябрь сони «Юракларда истиқлол руҳи» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Унда жумҳуриятимиз тарихидаги унутилмас воқеа— Мустақиллик эълон қилингани хусусида фикр юритилган. Таниқли олим Ҳ. Пўлатовнинг «Миллий уйғониш давлати» мақоласи ўзбек халқининг азалий орзуси амалга ошиб, ўз эркини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлгани ва бу борадаги курашлар ҳақидадир.

Давра суҳбати ҳам халқимиз тарихидаги унутилмас воқеага бағишланган. Шунингдек, А. Чориевнинг «Маърифат чироғи ўчмасин», А. Эшонқуловнинг «Миллий муносабатлар: ҳамкорлик ва ўзаро таъсир», Ҳ. Зиёевнинг «Тарихий шахслар хусусида», тарих фанлари доктори, профессор Р. Шамсутдиновнинг «Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма» сарлавҳали мақолалари ҳам чоп этилган. Бундан ташқари А. Алиевнинг «Маданий инқилоб ва зиёлилар тақдири» сарлавҳали мақоласининг давоми, О. Ҳусановнинг «Қудалардан дарак бўлмади» ҳикояси, Ўткир Раҳматнинг янги шеърлари, И. Усмоновнинг Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошимиз Файзулло Марғилоний билан қилган суҳбати билан ҳам танишиш мумкин. «7-саҳифа меҳмони» — таниқли шифокор олим Ўктам Орипов ўз ҳаёт йўли хусусида фикр юритиб, бугунги турмушимиздаги покланиш юзасидан шахсий мулоҳазаларини баён қилади.


БИККС

**Сизнинг муваффақиятингиз умумий ишимизга хизмат қилади!**

**Сизнинг бирон-бир маҳсулотни — ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса,**

**«БИККС-АЛИНА» БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ УЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР!**

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаларида, Россия деҳқончилик биржасида, «Санкт-Петербург» биржасида, Бутунроссия кўчма мулк биржасида, «ТОШКЕНТ» универсал мол биржасида, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек, «БИККС-АЛИНА» турли биржалардаги яна 18 та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда «БИККС-АЛИНА» фирмаси ўз мижозларига брокерлик фоизидан маълум қисмини чегириб ташлайди, олди-сотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржадаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди.

Бозорни яхши билиш, кенг алоқалар, тажриба брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргаликда ҳал қилишимизга ёрдам беради.

**Бизнинг манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.**

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

Тошкентдаги телефакс: 8-3712-90-41-97.

# ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

**«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ.**
**«Союзреклама» Акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.**

**ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ— ФИРМАНГИЗ ҚИЁФАСИ**

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ — АЪЛО ҚАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР.

АГАР СИЗ ХИЗМАТ ХОНАНГИЗГА ҚАҲВАХОНА ЁКИ КОНЦЕРТ ЗАЛИНГИЗГА ЗАМОНАВИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ҚИЁФА БАҒИШЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ.

**«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ**

**СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ**

**БИЗ ТУРЛИ-ТУМАН МАНЗАРАЛИ ПАРДОЗЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:**

темир ва чарм билан пардозланган девор панеллари;
тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар;
ўзига хос шаклдаги шамчироқлар. Улар девор ва шипларнинг металл безаклари билан яхши уйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёритилади.

Маҳсулотларимиз енгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади.

Ўз уйим ўлан тўшагим, дейишади. Аминмизки, «БИККС-АЛИНА» фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар сизга ғоят ҳузур бағишлайди.

**Манзилимиз:** Тошкент — 146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

**Тошкентдаги телефонлар:** 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

**«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ.**
**«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.**

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
**ЖУМҲУРИЯТ БИР ИЙЛЛИК БОҒБОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ**
1992 — ЎҚУВ ЙИЛИГА

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

МАКТАБ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ВА ШУРО ХЎЖАЛИГИ УЧУН:

**Боғбончилик;**
**Узумчилик;**

**Мева, узум ва бошқа ҳўл мева етиштириш, ҳамда сақлаш;**

**Жадал усулда мева етиштириш;**
**Цитрус ўсимликларни парваришлаш бўйича МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАЙДИ.**
**Бу мутахассисликлар учун ўқиш муддати 1 йил.**

МАКТАБГА ДАВЛАТ ВА ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАГАН, 10—11 ЙИЛЛИК МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН КИШИЛАР, ХЎЖАЛИК ИЎЛЛАНМАСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Ўқувчилар 116 сўм стипендия ва ётоқ билан таъминланадилар.**

Шунингдек трактор ҳайдовчилар гувоҳномаси берилади.

Ўқишга юборган хўжалик раҳбарлари ўқувчига моддий ёрдам тариқасида ўртача ойлик маоши сақланган ҳолда юборишлари керак.

**ЎҚИШ 1992 ЙИЛ 7 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.**

Ўқишга кирувчилар директор номига ариза, хўжалик йўлланмаси, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, соғлиғи тўғрисида медицина справкаси, паспорт, ҳарбий ҳужжат, 3 дона фотосурат (3х4), меҳнат дафтарчасидан кўчирма каби ҳужжатларни топширишлари керак.

Мактаб манзилгоҳи:

Мактабга қуйидаги автобуслар Тошкент шаҳридан қатнайди: 169-автобус «Олой» бозори қошидаги автобуслар Тошкент шаҳридан қатнайди «Олой» бозори қошидаги автостанциясидан. 479, 231 маршрут автобуслари «Чорсу» автобус станциясидан ўтириб «Гулистон» қишлоқ шўроси бекатида тушилади.


## Театр

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/XII да — **Севги тумори**, 5/XII да — **Фигаронинг уйланиши**, 6/XII да **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/XII да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**, 5/XII да **Мирзо Улуғбек**, 6/XII да **Жонимни ол, жонгинам.**


Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва иҳтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№234.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.